

Хабар

13

(914)-son

26-mart

www.xabar.uz

info@xabar.uz

xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Банк тизимида ахборот технологиялари

Хукуматимиз томонидан мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда бирор бир соҳа ёки тармок йўқ-ки, фаолиятида АКТ янгилликларидан кенг фойдаланмаётган бўлса. Бундан республикаимиздаги мавжуд молия муассасалари ҳам мустасно эмас. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимизда ишончли фаолият кўрсата оладиган банк тизimini яратишга республика раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор берилиб, Марказий банк олдида қисқа муддатда банк тизimini замонавий технологиялар билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Биринчи навбатда, замонавий ахборот технологиялари асосида электрон тўловлар ва банк амалиётларини автоматлаштирилган тизимларини яратиш муҳим масалалардан эканлиги аниқлаб олинди.

5-бет



Янги бино

“Алском” суғурта компанияси Қашқадарё филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги бинонинг очилиш маросимида вилоятда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, компаниянинг вилоятлардаги филиаллари раҳбарлари, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Маросимни “Алском” суғурта компанияси бош директори Тоҳиржон Иминов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни ўлкаимизга ташриф буюрган Наврўзи олам билан қутлади. Филиал ишчи-ходимлари ва мижозлари учун қулайлик яратиш мақсадида Қарши шаҳрининг марказида қайта реконструкция қилинган бинонинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, компания ва унинг филиаллари олдида турган вазифалар, келгусидаги режалар хусусида гапирди.

“Оригинал бизнес-гарант” МЧЖнинг шахрисабзлик қўли гул қурувчилари томонидан қисқа вақт ичида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган иншоот 40 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ва монтаж ишлари бажарилиб, 17 миллион сўмлик зарур жиҳозлар, замонавий компютер ва маиший техника жамламалари билан бойитилди.

А.ИСМОИЛОВ



Сўнгги янгилик!

SanDisk компанияси мобил телефонлар учун 32 гигабайтлик хотира карталари чиқаришни бошлади.

Янги маҳсулот жаҳон бозорларида жорий йилнинг апрел ойидан пайдо бўлиши кутиляпти, ишлаб чиқарувчи унинг кафолат муддатини беш йил қилиб белгиланган.

Компания бу борада биринчи бўлгани аниқ. Негаки, худди шунга ўхшаш маҳсулот — 64 ГБ ҳажмли microSD ҳамда 32 ГБ ҳажмли microSD шаклдаги хотира карталарини шу йилнинг январда Samsung компанияси ҳам тақдим этганди, бироқ уларнинг сотувда қачон пайдо бўлиши ҳозирча номаълум.



Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

- Интернет ҳолати ва истиқболлари таҳлили 2
- Шодиёна давом этмоқда 3
- Обсуждены вопросы сотрудничества с «Корея Телеком» 6
- ДИСК – хавф манбаими?... 14
- Дикқат, танлов! 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз айёмининг асосий тантаналари катта кўтаринкилик билан ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонадалар ўзларининг янги куй-кўшиқларини, рақсларини тақдим этишди. Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, севи ва муҳаббат тараннум этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 март кунни Оқсаройда Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али Султонни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашишди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 65 йиллиги нисовланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 март кунни Ўзбекистон ва Уммон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форумда Уммон ишбилармонлари мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳамда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. У “ОАВ соҳасидаги миллий қонунчиликни тақомиллаштириш: сифат ва самарадорликни ошириш бўйича долзарб вазифалар” мавзусига бағишланди.

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида иқтидорли йигит-қизларнинг инновацион лойиҳалари ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда фан ва техниканинг турли йўналишларида изланаётган ёшларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид режалар белгилаб олинди.

Наврўз байрамида Хоразм вилояти Гурлан тумани ёшлари учун “Ёшлар ижодиёти маркази” фойдаланишига топширилди. Айни кунларда бу ерда фаолият бошлаган 18 та тўғаракка минг нафардан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Япониянинг Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси ҳамкорлигида Нара шаҳрида ёш тадбиркорларни Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармовий салоҳияти билан таништиришга бағишланган бизнес анжуман ўтказилди.

Интернет ҳолати ва истиқболлари таҳлили

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида “Ўзбекистонда интернетнинг бугунги кундаги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари таҳлили” ҳисобот тақдими бўлиб ўтди. Унда Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев, Бош директор ўринбосари А.Хўжаев, БМТ Тараққиёт дастурининг “АКТ сиёсати” лойиҳаси раҳбари С.Санҳўжаев ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг етакчи мутахассислари иштирок этишди.

— Жаҳон бозорининг бугунги кундаги ривожланиш тенденциялари шунини кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига инновациялар жорий этилиши, шунингдек, улардан самарали фойдаланиши корхоналарда бошқарув ва технологик жараёнлар самарадорлигини оширишда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида товарлар ва хизматларнинг янги турларини яратиш

шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида кўмаклашиш” (ICTP) лойиҳаси ҳамда “UNICON.UZ” ДУК томонидан “Ўзбекистонда интернетнинг бугунги кундаги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари таҳлили” ҳисоботи тайёрланди.

Ҳисобот тақдими юзасидан “АКТ сиёсати” лойиҳаси менежери Шухрат Абдуллаев маъруза қилди.

ганлиги, янги хизматлар жорий этилаётгани, миллий ахборот-ресурслари ривожланаётгани, интернет тармоғига кириш нархлари пасайганлиги таъкидланади.

Сўровда иштирок этган аксарият провайдерларнинг (73 фоиз) фикрига кўра, интернет ресурслари ривожланишидаги устувор йўналиш илмий ва ўқув маълумотларни кўпайтиришга қаратилиши лозим. Таҳлилда, шунингдек, соҳа мутахассисларининг мавжуд камчиликлар тўғрисидаги фикрлари умумлаштирилган ҳамда бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар тақдим қилинган.

“Ўзбекистонда интернетнинг бугунги кундаги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари таҳлили” ҳисоботи-нинг электрон талқини www.ictp.uz сайтида жойлаштирилган ва у ерда ҳисобот билан тўлиқ танишиб чиқиш имкони мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, маз-



Ҳисобот тақдими юзасидан “АКТ сиёсати” лойиҳаси менежери Шухрат Абдуллаев маъруза қилди.

ҳамда мавжудларини кенгайтиришда ёрдам бермоқда, — деди А.Эшонхўжаев. — Телекоммуникация хизматлари интернет тушунчаси билан борган сари узвий боғланиб бормоқда ва ундан фойдаланиш мумкинлиги одамлар орасида ахборот ва билимларни янада кўпроқ алмашиш жараёнига кўмаклашяпти. Бу эса билимларга асосланган жамият шаклланишига олиб келмоқда. Демак, телекоммуникация хизматлари, хусусан, интернет тармоғининг янада ривожланиши Ўзбекистоннинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятига янада кириб боришига ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига ёрдам беради.

Таъкидландики, республикамизда мазкур соҳа қандай ривожланаётганлигини акс эттириш мақсадида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистоннинг ривожланиши учун АКТ сиёсатини

— Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад, — деди маърузачи. — Ўзбекистонда интернет ривожининг жорий ҳолатига, асосий омиллари ва ривожланиш истиқболларига доир сифат ва миқдор кўрсаткичларини экспертиза йўли билан баҳолашдан иборатдир. Ахборот-таҳлилий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистика ахборотини таҳлил қилиш, шунингдек, тартибга солувчи органлар раҳбарлари билан суҳбатлар натижалари, профессионал бозор иштирокчиларининг интернет тармоғидаги жорий аҳвол ва унинг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги фикрлари асосида тайёрланди.

Ҳисоботнинг тайёрланишида «СІВ GROUP» компаниясининг ҳам хизматлари катта. Тақдимотда компания директори Ижод Аглиямов «СІВ GROUP» фаолияти, унинг лойиҳалари ва нашрлари юзасидан маъруза қилди.

Ташкил этилганга роппара бериб йил тўлган мазкур компания куйидаги йўналишларда тижорий-ахборот хизматлари кўрсатишга ихтисослашган:

- навириёт;
- консалтинг ва таҳлил;
- тадбирлар ташкил этиш;
- компьютер технологиялари.

Маърузада мазкур йўналишларда қилинган ишлар ва режалаштирилган лойиҳалар юзасидан фикр билдирилди.

Тақдимот якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.



Шодиёна давоми этмоқда

Йилнинг энг гўзал, энг кадрли байрамларидан бири Наврўзни тўкин дастурхон атрофида, барча ишчи-хизматчи ва фахрийлар вакиллари иштирокида шоду хуррамлик билан нишонлаш “Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси” филиалида анъанага айланган.

Филиал аёллари байрамга атаб баҳорнинг шоҳ таоми — сумалак тайёрладилар. Дошқозонда ош дамланди. Йигилганларни филиал директори Амирхон Газиев самимий табриклади, уларга мустақкам соғлиқ, хонадонларига тўкинлик тилади. Шундан сўнг байрам тadbирига ташриф буюрган фахрийлар кенгаши аъзолари филиал жамоасини муборакбод этишти.

— Наврўзни шарқ халқлари қадим-қадимдан йилбоши байрами сифатида кенг нишонлашган, — дейди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов. — Наврўз саховат, меҳр-оқибат байрами сифатида ҳам қадриlidir. Ота-боболаримиз анъаналарига амал қилган ҳолда бир неча йилдан буён чиройли дастурхон тузатиб, ходимларимизнинг кўнглини олишга, кам таъминотли оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиб келяпмиз.

Наврўз “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида ҳам тантанали нишонланди. Байрам дастурхонига баҳор таомлари қўйилиб, ош тортилди. Филиал раҳбарияти байрам муносабати билан ходимларга эзу тилаклар билдирдилар. Байрам тadbирлари филиалга қарашли телефон боғламаларида ҳам давом этмоқда.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Меҳрибонлик байрами

Ўз мазмунида эзгу орзу-ниятларни муҳасамлаштирган Наврўз шодиёналари Навоий вилоятида ҳам ўзгача нишонланди.

Навоий шаҳрининг Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида театрлашган томошалар билан бошланган байрам тadbирлари вилоят бўйлаб ҳақиқий халқ сайлаларига уланиб кетди. Жумладан, Нуротанинг адирларидан тортиб, Қизилқумнинг олис-олис овулларию Томдидога чўпон отарларига ҳам байрам нафаси сезилиши, замондошларимизни янги зафарларга руҳлантириши учун миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Халқ анъанаси сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келаётган Наврўз бу йил бизга янада янгича

руҳ бағишлади, — дейди “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали ишчиси Неғмурот Фармонов. — Чунки 98 миллат ва элат вакиллари бир оға-инидек аҳил ва бахтиёр яшаётган, меҳнат қилаётган бу ҳудудда байрам худди баҳор камалаги каби ранг-баранг кўринишларда акс этди, тиллари турлича бўлса ҳам диллари бир юртдошларимизни янада қадрдонлаштирди, уларнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Корхоналар, ташкилотлар ҳам бу байрамни интиқлик билан кутиши бежиз эмас. Чунки ҳар йили сумалак сайлини анъанага айлантираётган ташкилотларга бу қутлуг анъана хайру барака, бахт ва омад олиб келмоқда. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали жамоаси ҳам Наврўзни ҳар

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиалида уйғониш ва янгилиниш айёми — Наврўзи оламга бағишланган байрам тadbирни бўлиб ўтди.

Ассалом, Наврўз!

Филиал ходимлари Наврўз арафасида бино худудини кўркам қиёфага келтирдилар. Катта дошқозонда баҳорнинг тансиқ таоми — сумалак тайёрланди. Байрам дастурхони кўк сомсаю чучваралар, ширинликлар билан тўлиб-тошди. Шу куни хайрли мақсадлар оғушида меҳнат қилаётган почта ходимлари, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ва меҳмонлар жамулжам бўлдилар. Мусиқа садоси янграб, “Ассалом, Наврўз!” деб номланган байрам томоҳаси бошланди.

Филиал директори Зоҳиджон Воҳидов йигилганларни қутлуг айём билан самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирди. Наврўзнинг тарихи, бугуни, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил тўхтади.

Соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшган меҳнат фахрийларидан Ўрмонжон ота Мўминов, Марина ота Юсуповалар ўз дил сўзларида почта соҳасида ишлаб ҳозирги кунда нафақа даврини сураётганлиги, ҳамкасблари билан дийдор кўришганлигининг ўзи катта бахт эканлигини қувонч ёшлари билан изҳор этиб, яқинда бир янгиликдан хабар топганликлари, яъни Янгиқўрғон туманининг Кўкёр қишлоғида янги боғ барпо этилаётганлиги ҳозирги кунда почта соҳасида ишлаётган ходимларга бўлган алоҳида эътибор дея эътироф этдилар.

Байрам шодиёнасида Наврўзники мадҳ этувчи куй-наволар, шўх-шўх кўшиқлар ўзига хос кўтаринчилик бағишлади. Фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Адҳамжон РАПИҚОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
Наманган филиали ходими



Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз,
Келиб қиш фаслини этди ёз Наврўз.

Муродмурод Раёв ШАХИЙ

Беллашув

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали педагогик жамоаси Наврўз байрами тadbирига кизгин тайёргарлик кўрди.

Жумладан, “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида филиал профессор-ўқитувчилари иштирокида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Танлов натижаларига кўра, “Йилнинг энг яхши педагоги” номинацияси бўйича Н.Сейтметов, “Йилнинг энг яхши мураббийи” номинацияси бўйича С.Жаъфаров, “Йилнинг энг яхши тadbиркор ўқитувчиси” номинацияси бўйича эса М.Назаровлар голиб деб топилди. Улар вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ва филиал маъмуриятининг фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Байрам тadbiri арафасида вилоят марказидаги “Авесто” футбол майдонида филиал талаба йигитларининг гуруҳлараро футбол ва тош кўтариш бўйича мусобақаси ҳам ўтказилди. Филиал пешқадамлигини 912-06 гуруҳи эгаллади ва уларга кўчма кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақада 2-ўрин 941-09, 3-ўрин эса 931-09 гуруҳларига насиб этди. Учрашувларга филиал спорт йўриқчиси, спорт устаси С. Раҳмонов ҳакамлик қилди. Тош кўтариш мусобақасида 912-07 гуруҳ талабаси Сардор Камолов голиб деб топилди ва совриндорлар фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Шунингдек, вилоят алоқа ходимлари ўртасида бўлиб ўтган волейбол бўйича мусобақада филиалнинг “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси аёллар гуруҳи 1-ўринни эгаллади.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг

Навоий вилоятидаги мухбири

Анвар МАТНИЁЗОВ,
ТАТУ Урганч филиали ўқитувчиси

Xalqaro hayot



АМЕРИКАЛИКЛАР НАМОЙИШГА ЧИКДИ

Вашингтонда кўпнинг кишилик намоиш бўлиб ўтди. Намойишчилар ҳукуматдан Афғонистон ва Ироқдан АҚШ қўшинларини олиб чиқишни талаб қилишди.

Турли урушлар фахрийлари, шунингдек, машҳур актёрлар намоишга бошчилик қилдилар. Улар Оқ уй ёнида тўпланиб, пойтахтнинг марказий кўчалари бўйлаб намоиш ўтказишди. Улар Барак Обамани Жорж Буш сиёсатидан воз кечиб, асосий эътиборни мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга қаратишга чақирди.

Намоишда полиция талабини бажармагани учун саккиз киши ҳибсга олинди.

ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА

AFP агентлигининг хабар беришича, Ироқ бош вазири Нури ал-Малики яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларидаги бюллетенларни қайтадан санашни талаб қилган. Бунга сабаб бош вазининг "Қонун давлати" альянси собиқ бош вазири Ияд Аллави блокдан саккиз мингта кам овоз олган.



Ал Аллави тарафдорлари Ал-Малики талабини сайлов комиссиясига таъйиқ сифатида баҳолашди. Чунки Ал-Малики сал олдинроқ журналистларга берган интервьюсида сайлов ҳеч қандай қонун бўзилишларисиз ўтганини айтган эди.

УКРАИНА РИВОЖЛАНИШИ УЧУН

Украина бош вазири Николай Азаровнинг маълум қилишича, мамлакат иқтисодини модернизация қилиш учун ўн йил давомида йилига 70 миллион доллар маблағ керак.

"Агар биз бунга эриша олсак, мамлакат ривожланиш йўлига қиради. Ҳозир Украинада ривожланиш учун старли шароит бор, ҳокимиятнинг барча бўғинлари бир жамоа бўлиб ишлашга тайёр", — деди у.

Утган йили Украина бюджетдаги камомат 10 миллиард долларни ташкил этди. Бу камоматни ҳукумат кредит ҳисобига бартараф этишга ҳаракат қилди. Бош вазири ўринбосари Сергей Тигипконинг айтишича, жорий йилда ҳам бюджетдаги камоматни ёпишга 4-5 миллиард доллар миқдорида кредит керак бўлади.

SIEMENS ИШ ЎРИНЛАРИНИ КИСКАРТИРАДИ

Германиянинг Siemens концерни 4200 ходимни ишдан бўшатишини маълум қилган. Бу ҳақда концерннинг расмий сайтида хабар берилган. Ходимларни қисқартиришнинг деярли ярми Германиядаги заводларда амалга оширилади. Сал аввалроқ концерн минг нафар ишчи ўрнини қисқартираётгани ҳақида хабар берилганди.

Siemens машинасозлик, транспорт, энергетика ва тиббиёт жиҳозлари, шунингдек, маиший техника ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик концернлардан бири ҳисобланади. Унинг дунё бўйлаб тарқалган заводларида 405 минг киши меҳнат қилади.



MOBIL INTERNET

БИТТА КОМПЮТЕР ВА ЮЗТА ТЕЛЕФОН

Nokia компанияси фойдаланувчиларни интернетга шахсий компьютер орқали эмас, балки мобил телефонларда киришни тавсия этмоқда. Фин компаниясининг таъкидлашича, шу йўл билан атроф-муҳит муҳофазасига самарали ҳисса қўшиш мумкин.

Компания мисол келтиришича, интернетда ишлаётган битта компьютер сарфлаган энергия бемалол 100та телефонга етади.

TEKNOLOGIYALAR

ВИДЕО ФОНЛИ ТАРТИБДА УЗАТИЛАДИ

Alcatel-Lucent компанияси смартфонлар учун видеоконтентни фонли тартибда узатиш имконини берувчи технология — Mobile Smart Loading устидаги ишлари муваффақиятли якунланганини маълум қилди. Энди мобил операторлар бу хизматни йўлга қўйишса, абонентлар видеони олиш баробарида телефонда сўзлашишлари, интернетда ишлашлари ёки SMS ёзишлари мумкин бўлади.

МЎЪЖИЗА-УЙ

Данияда мўъжиза-уй тақдимоти ўтказилди. Бу уй мустақил равишда ўзини-ўзи иситади, сув билан таъминлайди, электр чироғини ёқиб-ўчиради, ойналарни очиб-ёпади, полни ювади, овқат тайёрлайди ва ҳоказо кўплаб имкониятларга эга.

"Янги аср уйи"нинг ўзига хос жиҳатлари унинг тўлиқ қуёшдан энергия олиши, шунингдек, хоналарни қундузги ёруғлик билан таъминлашида, дея эътироф этиляпти.

Мазкур масканни барпо этиш учун Копенгаген университети 5,5 миллион евро маблағ сарфлаган.

Шу ўринда айтиш керакки, бу сингари "ақлли уй"ларнинг энг зўри Microsoft асосчиси Билл Гейтсга тегишли. Айтишларича, унинг уйидаги жами электроника ва маиший техника ўта мураккаб компьютер тизимлари орқали бошқарилади, ҳатто хонадон соҳибларига аини пайтда қанақа ҳарорат ва ёруғлик маъқул келишигача компьютерлар назоратидан четда қолмайди.

ALOQA OLAMIDA

XAVFSIZLIK



ОИЛАВИЙ DVD

Британиянинг Clearplay International компанияси болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи видеога қарши курашишнинг ўзига хос усулини ишлаб чиқди. Унинг ClearPlay деб номланган филтрлаш технологияси янги авлод DVD-плеерларига мўлжалланган бўлиб, филмлардан уруш-жанжал, беҳаё тасвирлар ва ҳоказо ёмон элементларни "қирқиб" ташлайди.

IT-BIZNES

Nexus КИМНИКИ?..

АҚШнинг Савдо белгилари бўйича бюроси Google компаниясининг Nexus One (смартфон) белгисини рўйхатга олмади.

Бундай қарорга келинишига Nexus белгиси 2008 йилнинг декабрида Integra Telecom компанияси номига расмийлаштирилгани сабаб қилиб кўрсатилган. Компания бу белгидан телекоммуникациялар ва овозли маълумотлар узатиш учун счимларда фойдаланиб келяпти. Бир хил номнинг яқин бозорларда ишлатилиши истеъмолчиларни мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Google олти ой мобайнида апелляция бериши ёки Nexus белгисидан лицензиясиз фойдаланиши мумкин. Иккинчи ҳолатда Integra рақибини судга бериши эҳтимолдан холи эмас, шундай бўлган тақдирда томонлар ўзаро келишиб олишларига тўғри келади.

SALOMATLIK

ИНТЕРНЕТПАРАСТЛАР КЛИНИКАСИ ОЧИЛДИ

Марказий Лондондаги Cario Nightingale хусусий руҳий касалликлар шифохонасида интернетпарастрларни даволовчи бўлим очилди. The Daily Telegraphнинг хабар беришича, шифохонага асосан 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирларни қабул қилиш режалаштирилган.

Бу ерда беморларнинг мобил телефонлар, компьютер ва видео ўйинлар ҳамда ижтимоий тармоқлар борасидаги қарашларига таъсир кўрсатилади. Бундан ташқари, шифокорлар ўсмирларни жисмоний чиниқтириш ва тўғри овқатланишлари устида ҳам иш олиб боришади.

Ҳозирги кунда бундай даволаш муассасалари АҚШ ва Хитойда ҳам мавжуд.

WWW

"ОЛОВРАНГ ТУЛКИ"НИ ТЎХТАТИНГ!..

Германия ҳукумати фуқароларини вақтинча Mozilla Firefox браузеридан фойдаланмасликка чақирди. Қачонки веб-шарҳловчидаги хавфли бўшлиқ тузатилаганига ундан фойдаланиш тавсия этилган.

Хавфсизлик тизимидаги бу нуқсон феврал ойида маълум бўлган, шундан сўнг Mozilla раҳбарияти уни жиддий ҳисоблаб, 30 мартдан кечиктирмасдан тузатишга ваъда берганди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун Марказий банк ва тижорат банкларида ахборот технологиялари бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилинди ҳамда банк ходимларининг автоматлаштирилган иш жойлари ва маълумотлар базаларини яратиш, банklar, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва молия ташкилотлари маълумотномаларини ташкил қилиш бўйича кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Ушбу маълумотлар базалари нафақат банк тизими учун, балки Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси учун ҳам муҳим аҳамият касб этарди.

Ишларнинг дебочаси сифатида Марказий банк тизимида Ахборотлаштириш департаменти ва Ахборотлаштириш бош маркази (АБМ) унитар корхонаси ташкил этилди. Барча банк амалиётларини автоматлаштириш ва Электрон тўловлар тизими дастурларини яратиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш ушбу тузилманинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Электрон тўловлар тизimini ишлаб чиқиш жараёнида эса тижорат банкларининг барча филиалларини ягона тизимга боғловчи ҳамда алоқа каналлари орқали электрон тўловлар ахборотларини АБМнинг ҳисоблаш марказига узатишни таъминловчи телекоммуникация тармогини яратиш кераклиги маълум бўлди. Шунинг учун Марказий банк томонидан Банк телекоммуникация тармогининг (БТТ) лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган ҳолда Жаҳон банки кредити ҳисобига амалга жорий этилди. Сўнг рақамли БТТни республиканинг барча вилоят ва туман марказларигача ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда мавжуд тармоқ тижорат банклари ва бошқа абонентларнинг маълумотларини узатиш тезлиги, ишончлилиги, ахборот муҳофазаси бўйича талабларига жавоб беради. БТТ Молия вазирлигининг Газначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳри туманлари ҳокимиятларининг молия бошқармалари, Валюта биржаси ҳамда Республика хом ашё биржаси ва унинг бўлимларига маълумотларини узатиш бўйича хизмат кўрсатади.

2009 йил ва жорий йил бошида БТТнинг Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари оралиғидаги магистрал каналларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш мақсадида Ethernet IP-каналларидан фойдаланишни амалга ошириш ишлари бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган “2010 йилгача ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, интернет тармоғида ахборот-ресурслар-

ни шакллантириш ва уларни доимий янгилаб бориш чоратadbирлари режаси” ҳамда Марказий банк бошқарувининг қарорлари асосида Марказий банк ва тижорат банкларида ахборот технологияларини жорий этиш бўйича куйидагилар бажарилди:

- барча банklarда ягона вакиллик ҳисобварағи ва ягона баланс тизимлари тўлиқ ишга туширилди;
- туман марказларида рақамли Банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилди;


ва давлат органларининг ахборот тизимлари шакллантирилиши ишлари доирасида Марказий банкнинг куйидаги ахборот тизимлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегишли гувоҳномалар олинди:

- Интеграллашган автоматлаштирилган бухгалтерия тизими;
- Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими;
- Ягона вакиллик ҳисобварақлар ҳисоб-китоб маркази (тўлов тизими);
- Электрон ҳужжат айланиши

тилки, — дейди банкнинг телекоммуникация бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Муҳитдинов. — Натижада Марказий банк аппарати, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва бошқа барча ҳудудий бош бошқармалардаги компьютерларнинг локал-ҳисоблаш тармоғига уланиши ҳамда БТТ орқали Марказий банкдаги марказлаштирилган маълумотлар базаси билан боғланиши таъминланди.

Марказий банк ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бош

Банк тизимида ахборот технологиялари



- интеграллашган ахбороттаҳдидий тизимининг асосий дастурий комплекслари ва маълумотлар базалари ишга туширилди;

- электрон ҳужжат айланиши ва электрон иш юритиш тизимлари тўлиқ ишга туширилди;

- банк бошқарув тизимининг дастлабки босқичи электрон ҳужжат айланиши ва электрон иш юритиш тизими билан бирга ишга туширилди;

- Марказий банк тизимида электрон кутубхона тизими ташкил қилинди;

- Марказий банкда фойдаланиладиган ҳисоблаш техникаси янгиланди;

- интерактив хизмат турлари давлат реестрига киритилди;

- интеграллашган ахбороттаҳдидий тизимининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилиб, тижорат банklarига амалда қўлаш учун тавсия қилинди ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига хулоса олиш учун тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги ҳамда 2007 йил 23 августдаги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган 256 ва 181-сонли қарорларининг ижроси бўйича давлат ахборот-ресурслари

тизими;

- Банк тизими ахборотлар омборхонаси.

Шунингдек, Марказий банкнинг қатор ахборот-ресурслари давлат ахборот ресурслари рўйхатига киритилди:

Интернет тармоғидаги “Марказий банк веб-сайтини юритиш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш Регламенти” ва чоратadbирлар режасига асосан Марказий банк веб-сайти давлат бошқаруви органлари веб-сайтларига қўйилган талаблар асосида текширувдан ўтказилиб, банк фаолиятига доир маълумотлар билан доимий равишда янгилашиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 219-қарори асосан Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталида жойлаштириш учун Марказий банк тизимидан тақдим этиладиган ахборотлар рўйхати аниқланди.

— Ўтган йиллар давомида Марказий банкнинг маъмурий биноларида ва барча ҳудудий бош бошқармалари биноларида замонавий локал-ҳисоблаш тармоқларини барпо қилиш ишлари туга-

бошқармаларининг локал-ҳисоблаш тармоқларини БТТнинг мантиқий каналлари орқали бирлаштириш натижасида Марказий банк корпоратив тармоғи ташкил қилинди. Корпоратив тармоқ орқали Марказий банк серверларида ўрнатилган марказлашган “Антивирус”, “Право”, “Ишонч телефонлари” дастурларидан вилоятлардаги компьютерлар орқали фойдаланиш имконияти яратилган.

Бугунги кунда банк телекоммуникация тармоғи таркибида Марказий банк ва тижорат банкларининг 30га яқин виртуал корпоратив тармоқлари ташкил этилди ҳамда электрон тўловлар, электрон почта, электрон ҳужжат айланиши, электрон иш юритиш ва бошқа банк ахборот тизимларининг маълумотлари ва ҳисоботларини ўз вақтида узатилиши таъминланяпти. Шунингдек, БТТ орқали Марказий банк бош аппарати ва ҳудудий бош бошқармалари ўртасида видеоконференция тизими ишга туширилиб, ўқув машғулотлари олиб боришда қўлланиляпти. Бундан ташқари, банк бош аппаратидаги компьютерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида HP OpenView Client Configuration Manager дастури асосида тўртта ахборот тизими бўйича ИТ-инфратузилмани бошқариш тизими жорий этилди.

Ҳозирги кунда мавжуд ахборот-коммуникация тизимларини банк технологиялари талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, банк маълумотлар омборхонасини ташкил қилиш дастури яратилмоқда, кўп филиалли банкларнинг маълумотларни қайта ишлаш Жамоа захира марказини яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тижорат банкларининг тақлифларини ҳисобга олган ҳолда аниқликлар киритиляпти. Бу, ўз навбатида, банklar ахборот тизимларининг хатарсиз ишлашини таъминлайди.

ОБСУЖДЕНЫ ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА С «КОРЕЯ ТЕЛЕКОМ»

23 марта 2010 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялась встреча со старшим вице-президентом корпорации «Корея Телеком» г-ном Ким Хансук. На встрече обсуждены перспективы развития дальнейшего взаимовыгодного сотрудничества в сфере информационно-коммуникационных технологий. Отмечена успешная работа на рынке телекоммуникаций и информационных технологий Узбекистана компаний «East Telecom» и «Super iMAX», которые внедряют и развивают новейшие технологии.

В ходе встречи корейская сторона проинформировала о дальнейших планах развития услуг беспроводного доступа к сети интернет в Республике Узбекистан. Отметив высокий уровень узбекско-корейского двустороннего сотрудничества, «Корея Телеком» выразила намерение в дальнейшем расширении своей деятельности в Узбекистане. Узбекская сторона подтвердила интерес и выразила готовность к расширению сотрудничества и содействию в деле развития бизнеса корейской компании по ряду направлений телекоммуникаций и информационных технологий.

Aci.uz

В канун праздника Навруз, органом по сертификации «SGS» Акционерной компании «Узбектелеком» вручен сертификат соответствия требованиям международного стандарта ISO 9001:2008.



АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» ВРУЧЕН МЕЖДУНАРОДНЫЙ СЕРТИФИКАТ ISO 9001:2008

Для обеспечения успешной деятельности АК «Узбектелеком» разработана, документально оформлена, внедрена и поддерживается в рабочем состоянии Система Менеджмента качества в соответствии с требованиями международного стандарта ISO 9001:2008. Разработанная система менеджмента качества направлена на удовлетворение и предвосхищение требования потребителя услуги телекоммуникации.

Областью применения системы качества является «Управление проектированием, строительством, эксплуатацией и оказанием услуг телекоммуникации АК «Узбектелеком».

В результате проведенной работы по созданию СМК, отдельно взятые производственные и вспомогательные отделы получили целевую направленность по качеству, согласно применяемым методам менеджмента, на результатах стратегического планирования, вне зависимости от состояния внутренних или внешних дестабилизирующих факторов.

Пресс служба АК «Узбектелеком»

Акция от «МТС-Узбекистан»: подключись и получи услугу «Ночное общение» в подарок

«МТС-Узбекистан» сообщает о запуске новой акции, по условиям которой абоненты, подключившиеся к сети МТС, получают услугу «Ночное общение» бесплатно.

При подключении к сети «МТС-Узбекистан» в период с 22 марта по 21 апреля 2010 года, абонентам компании автоматически подключается услуга «Ночное общение» в подарок. При этом до конца апреля 2010 года со счета участника акции не будет взиматься ежемесячная абонентская плата за пользование данным сервисом.

Услуга «Ночное общение» позволяет всем абонентам компа-

нии ежедневно в ночное время (с 00:00 до 06:59 включительно) совершать звонки и отправлять SMS-сообщения внутри сети «МТС-Узбекистан» по цене \$0,01 за минуту/сообщение и принимать все входящие звонки абсолютно бесплатно. Все остальные звонки в ночное и дневное время тарифицируются согласно тарифным планам, на которых обслуживаются абоненты в момент действия услуги.

После подключения к сети «МТС-Узбекистан», участникам акции будет отправлено информационное SMS-сообщение: «Vy stali uchastnikom akcii i Vam besplatno predostavlyajetsya usluga 'Nochnoe obschenie' – vse ishodjashie zvonki i SMS vnutri seti s 00:00 do 07:00 po \$0,01»

30 апреля 2010г. (после 7:00) услуга «Ночное общение» для участников акции будет автоматически деактивирована.

Дополнительная информация об акции «Ночное общение» доступна на сайте www.mts.uz и в офисах МТС.

Третье поколение «Билайн» учится в Вестминстерском университете

Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») сообщает о продолжении программы внешнего обучения «Третье поколение-2010». В минувшую пятницу очередная конференция в рамках проекта прошла в Международном Вестминстерском университете.

Напомним, что программа «Третье поколение» впервые была запущена в «Unitel» год назад в рамках реализации Комплекса мероприятий по развитию инновационных продуктов и технологий на среднесрочную перспективу, утвержденного Постановлением Президента Республики Узбекистан. Целью программы является отбор лучших студентов для стажировки и дальнейшей работы в «Билайне», а также формирование профессионального резерва для вакансий особой сложности. По итогам прошлого года 20 студентов Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ) прошли стажировку в Технической дирекции компании.

Комментируя событие, Директор по работе с персоналом и организационному развитию «Unitel» Марина Ушанкова сказала: «Хорошие результаты первого этапа стали стимулом к развитию программы: интерес к «Третьему поколению» проявила коммерческая дирекция нашей компании. В связи с этим мы привлекли к проекту известный зарубежный университет, и надеемся к 30 марта получить оттуда серьезное количество заявок».

Действительно, в этом году проект вышел за рамки ИКТ: помимо студентов ТУИТ, претендующих на прохождение практики в дирекции информационных технологий, конкурс запущен и среди учащихся Вестминстерского университета. По его итогам лучшие представители международного вуза станут стажерами службы по маркетингу «Unitel».

— Мы считаем большой честью сотрудничество со столь именитым университетом, — отметил коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков. — Его репутацию подтверждает, прежде всего, высокий уровень подготовки специалистов, которые работают в нашей компании. Уверен, что новый опыт будет полезен студентам так же, как и нам.

По итогам практики наиболее успешным стажерам будет предложен индивидуальный график работы, совмещенный с учебой в вузе, а в перспективе — место штатного сотрудника «Unitel». Стажировка в рамках программы «Третье поколение» запланирована на период с 14 июня по 13 августа 2010 года.

От имени университета признательность компании выразил начальник департамента по социальному развитию Алишер Собиров: «Нам известно о блестящем старте этой уникальной программы в ТУИТ, и мы надеемся, что наше партнерство будет столь же удачным. Хотелось бы, чтобы наши выпускники работали в крупных успешных компаниях, применяя на практике полученные здесь знания. Наше знакомство с «Билайном» началось с недавней презентации услуг широкополосного Интернета в наших стенах, и мы считываем на продолжение сотрудничества».

В США НАЧАЛИСЬ ПРОДАЖИ IPHONE БЕЗ КОНТРАКТА

Apple изменила правила продажи iPhone 3G и 3GS в США — теперь вместе со смартфоном приобретать контракт AT&T необязательно. Купить смартфон без контракта можно в любом фирменном магазине Apple, однако устройство по-прежнему будет блокировано, то есть сможет работать только с SIM-картами AT&T.

Стоимость iPhone 3G 8 Гб в рамках новой схемы продаж составляет \$499, стоимость iPhone 3GS 16 Гб — \$599, iPhone 3GS 32 Гб — \$699. Для сравнения, субсидированный вариант мобильника (обязательное приобретение 2-летнего контракта AT&T) составляет \$99, \$199 и \$299 соответственно. Одно лицо может купить до 10 телефонов таким образом, но не больше одного в сутки.

ПЕРВЫЙ 4G-СМАРТФОН НА ANDROID

Тайваньский производитель мобильных устройств HTC и американский оператор Sprint представили Evo 4G. Демонстрация первого в мире 4G-смартфона на базе операционной системы Android была проведена в рамках выставки CTIA Wireless 2010, проходящей эти дни в Лас-Вегасе.




ПРОЕКТ «ДОМА БУДУЩЕГО»

В Японии запущен проект «дома будущего», оснащенного по последнему слову техники в области телекоммуникаций. Проект, предложенный пятью ведущими компаниями страны, нацелен на прорыв в слиянии интернета и телевидения. Этот проект, нацеленный на прорыв в слиянии интернета и телевидения, может создать рынок, превышающий 10 трлн. иен (110 млрд. долларов), передает ИТАР-ТАСС.


Хабар +tv

ДУШАНБА — 29 МАРТ



5.55 Қўрсатқувлар дастури
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция»
7.50 «Тонги наволар»
8.00 «Таксимом»
8.45 - 9.45 «Мамнавият» дастури.
«Болалар сайраси»:
9.45 «Болалар дунёси»
10.15 «Муҳаббат фасли». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Аборот»
11.15 «Камолот оstonasi»
11.35 «Ўртин буйлаб» дастури: «Либовларда мўйи нараси»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Идлим»
12.55 «Дилар»
13.20 «Қоркаллоғистонда Наврўз».
«Болалар сайраси»:
13.40 «Лонк ва Болек». М/ф.
14.00 «Аборот»
14.20 «Ватанларвар»
15.00 «Идлим»
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Вакт мавнаси»
16.00 «Конун химосида»
16.15 «Менинг оилам»
16.40 «Ўзбекистон табиати»
17.00 «Аборот»
17.15 «Юрт меҳри»
«Болалар сайраси»:
17.35 «Ўртақлар - вақимизга етаклар»
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
18.05 «Олтин мерос»
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари»
19.55 «Оғуликча давлат»
19.15 «Ифтихор»
19.20 ТВ - шифқор»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Аборот». /рус/
20.10 Миллий сериал: «Умдигини сулрирма»
20.45 «Ватанимни куйлайман»
21.00 «Аборот»
21.40 2010 Йил - Барқамол авлод йили.
«Мен ёшлкаман»
21.55 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.35 «Идлим»
22.45 «Кичкина Доррит». Т/с.
23.45 - 23.55 «Очун»
23.55 Қўрсатқувлар дастури.
24.00 «Мен ёшлкаман»
00.20 «Дилар»
00.40 «Камолот оstonasi»
1.00 «Аборот» /рус/
1.35 «Сохлим кўлар»
2.05 «Менинг оилам»
2.30 - 3.30 «Мамнавият» дастури.
3.30 «Салом, Ўшлар!»
4.00 «Аборот»
4.35 «Олтин мерос»
4.45 ТелеТварт: «Парвона»
5.25 «Ўзбекистон табиати»
5.45 - 5.55 «Очун»


18.10 «Давринг боласи»
18.20 «Мулатлиғорам»
18.30 «Катта танқуфус»
17.00 «Угаошилар даври». Т/с.
18.20 «Дунё буйлаб»
18.40 «Хўрам наволар»
18.50 «Ц.Эх»
19.00 «Давр»
19.10 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар»
20.20 «Автоларура»
20.40 «Хикоя»
21.00 «Ўзалик ортида». Т/с.
21.55 «Идлим»
22.00 «Давр»
22.30 Миллий спектакль: «Афандинг беш хотини»
00.20 «Рақовлар талласи»
1.00 «Салом, Ўшлар!»
1.30 «Ихкод мактаби»
2.00 «Давр»
2.30 «Хайт-мамайт». Т/с.
4.10 «Тараним»
5.00 «Юрт тинчлиги»
5.05 «Такси». Б/ф.
6.30 «Ушайт «М»»
6.55 «Барқамол авлод»




7.25 Қўрсатқувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Жуманик». Б/ф.
10.20 Мумтоз наволар.
10.25 «Эсмэральда». Т/с 61-қисм.
10.55 «Карвонсарой»
11.05 «Сарғушталар ороли»
11.35 «Ғаройиб бола». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё телестудия»
14.55 «Уйларим»
15.00 «Пойтахт»
15.10 «Эсмэральда». Т/с 62-қисм.
15.40 «23. 5 даражали бурчак остида»
Х/ф.
16.30 «Хўкушундо маслаҳати»
16.35 «Тошкентда латифа»
16.40 «Байбик лақабли айбарсан». М/ф 1-қисм.
17.20 «Карвонсарой»
17.30 «Болаласи қайтиб»
17.50 «Уйларим»
18.00 «Пойтахт»
18.25 Т/с: «Эзи уйланмаган совчи» 13-қисм.
18.50 «Тошкентнинг илм маскалари»
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 16-қисм.
20.00 «Пойтахт»
20.20 Бизнес-Пойтахт»
20.25 «Телекуръер-маркет»
20.30 «Анчак ёлғон». Т/с.
21.05 «Айб қалби»
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/
21.50 «Будьте здоровы»
22.00 «Телекуръер-маркет»
22.10 «Кино SMS со звездами»
22.15 «18 тил сусти». Х/ф.
23.45 Қўрсатқувлар тартиби.
23.50 «Мисли вслуку»
00.00 «Пойтахт». /рус/
00.20 «Очкўртак даври»
00.50 «Бони совера». Х/ф.
2.25 «Айб қалби»
2.45 «23. 5 даражали бурчак остида»
Х/ф.
3.35 «Ғаройиб бола». Б/ф.
5.00 «Пойтахт»
5.25 «Идлим»
5.30 «Салом, Тошкент!»
6.30 «Идлим»
6.35 Т/с: «Эзи уйланмаган совчи» 12-қисм.
7.05 «Уйларим»
7.10-7.25 Тонги наволар.
7.00 «Хайрига тон!»
7.15 Кабарлар
7.25 Болалар майдончаси:



Тонги гимнастика.
«Спортландия»
Мулафилм.
«Дастхат»
8.00 «Чампион»
8.15 ХАБАРЛАР.
8.30 «Малахов +»
9.20 Футбол. Ўзбекистон чемпиони.
«Локомотив» - «Нассаф»
11.00 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
12.10 «Ринг қироллари»
13.00 Рақамлар, натиқалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси: Спортландия.
Мулафилм.
13.30 Футбол. Чемпионат Италия.
15.15 Фигурали учуш. Жаҳон чемпиони.
16.15 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/16 финал.
18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия»
Мулафилм.
18.30 «Арена»
18.45 ХАБАРЛАР.
19.05 Формула - 1.
20.45 Саломатлик ҳақиқати.
20.50 ФИФА тарихидан. Хужжатли сериал.
21.10 Футбол шарҳи.
21.45 ХАБАРЛАР.
22.00 Саломатлик ҳақиқати.
22.05 Эртага Футбол.
22.25 ИнтернетФутбол.
00.15 Тунги хабаолар.
00.25 «Хайрига тон!»




3.00 7.05 Телеканал «Доброе утро»
7.00 10.00 1.00 Новости.
7.30 Малахов +.
8.30 Мадрий пригосор.
9.25 Контрольная закупка.
10.20 «Участок»
11.20 «Детский»
12.00 Другие новости.
12.25 Понят, Простит.
13.00 Новости (с субтитрами).
13.25 «Обручальный колодец». Многосерийный фильм.
14.20 «Спальный район»
14.50 Федеральный судья.
15.00 Вечерние новости (с субтитрами).
16.20 «Давай поженимся!»
17.10 Т/с «СЛЕД»
17.55 «Жри мямя»
19.00 «Время»
19.30 «Циганки». Многосерийный фильм.
20.30 Волкая война «Барбаросса»
21.30 «Школа»
22.00 Ночные новости.
22.10 «Познер»
23.10 Гени и злодари.
23.45 1.05 Х/ф «Без права на Чарль»
1.40 «Тигр - шлон в джунглях»



04.00 «Утро России»
08.05 «Русское счастье Н. Бакиной»
09.00 Т/с «Срочно в номер»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
10.30 13.30 16.15 «Местное время. Вести - Москва»
10.50 Т/с «Тайны следствия»
11.45 Т/с «Территория красоты»
12.40 «Вести. Дежурная часть»
13.50 Т/с «Гражданин начальник»
14.45 «Суд идет»
15.30 «Кулиги и партнер»
16.35 Т/с «Ефросинья»
17.30 Т/с «Дасрия»
18.00 Т/с «Слово женщины»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойная ночь, малыши»
20.00 Т/с «Телохранитель». «Жизнь за это миллион»
21.00 «Мой серебряный шар. Тамара


Махарова»
22.50 «Вести +»
23.10 Х/ф «Не сошлись характерами»
00.45 Х/ф «Византизм проубужден»




05.10 Т/с «Таксистка»
05.00 «Сегодня утром»
07.30 «Кулинарий поединок»
08.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
09.00 12.00 15.00 18.00 22.15 «Сегодня»
09.20 «Средний класс»
10.00 Т/с «Сашка»
11.00 «Суд присяжных»
12.30 Т/с «Закон и порядок»
14.30 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
15.30 Бовик «Кодекс чести 2»
18.30 Т/с «Гулар. Продолжение»
20.30 Т/с «Гониме 3: Большие ставки»
22.35 «Местный помодельник»
23.25 «Школа злословия»
00.15 «Роковая день»
00.45 Х/ф «Подглядывающий»



07.00 М/с.
08.30 10.30 17.00 20.00 Т/с «Палины, доми»
09.30 12.00 21.00 Т/с «Воронины»
10.00 19.30 01.00 Т/с «Б кадры»
11.00 «Галлео»
13.00 «Ючи время»
13.30 Т/с «Кремлевские курсанты»
14.30 М/с.
16.30 Т/с «Хана Монтана»
17.30 Т/с «Ранетки»
18.00 «Галлео»
22.00 Т/с «Матроски»
23.00 Х/ф «Робокки»
01.30 «Кино в деталях»
02.30 Х/ф «Бобби»



07.00 Д/ф «Зеркало, дарящее красоту»
08.00 Мулафилм.
08.45 М/с.
10.00 Т/с «Баффи - истребительница вампиров»
11.00 Т/с «Город прищельцев»
12.00 Т/с «Молодой Волкод»
13.00 Д/ф «Особо опасно. Транспорт»
14.00 Д/ф «НЛО - первый контакт»
15.00 Х/ф «Болотная тварь»
17.00 02.00 Т/с «На краю вселенной»
18.00 Т/с «Удивительные странствия Герарка»
19.00, 03.00 Т/с «Притворщик»
21.00 Т/с «Говорящая с призраками»
22.00 Д/ф «Как стать новодымкой»
22.00 Д/ф «ЭФФект Нострадамуса»
23.00 Х/ф «Стопновинне»



04.00 «Необискупил, но факт» - «Легендарные животные»
05.00 «Такси»
05.35 06.00 09.30, 10.00 10.30, 11.00 М/с.
06.30, 23.00 «Комеди Клаб»
07.30, 08.00, 16.00, 16.30, 17.00 «Универ»
Ситком
08.30, 09.00, 17.30, 18.00 «Счастливы вместе»
Комедия
11.30 «Н2О. Простое добавь воды»
Т/с
12.00 «Саша и Маша»
Комедия
12.30 «Битва экстрасенсов»
13.35 «Опавший Бангкок»
Бовик
15.30 «Женская лига. Банановой рай»
Комедия
18.30 «Интерны»
Ситком
19.00 «Новости с того света»
Х/ф
21.00 22.00 00.00 Дом-2.
22.30 «Синс»
с Анфисой Чеховой
00.55 «Мисс Поттер»
Драма

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
7.00 «Олам ва одам» дастури: «Экс-педашчи».
7.50 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.35 - 9.35 «Мамнавият» дастури.
«Болалар сайраси».
9.35 «Бизнинг кутубхона».
10.00 Сирдарё вилояти теледиорком-панисси намойиш этди:
«Обод манзилари».
10.20 «Муҳаббат фасли». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот». Инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
12.50 «Икки».
12.55 «Ифтихор».
13.00 Миллий сериал: «Умиддинги сўндирма».
«Болалар сайраси».
13.40 «Лоле ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Қишлоқ хавти».
14.40 «Оғоҳчи даъват».
15.00 «Икки».
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Вақт машиниси».
16.00 «Тексдор хабарлар».
16.15 «Мен йилман».
16.30 «Наврў шукуи».
16.40 «Ўзбекистон табияти».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Хўдалар хавти».
«Болалар сайраси».
17.35 «Эрталаблар - яхшиликка етаклар».
17.50 «Юлти мерос».
17.55 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.30 «Саломат бўлинг».
18.50 «Кун мавзуси».
19.00 «Буюк аждодларимиз».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 «Эълонлар».
19.30 «Ахборот». Рус/
20.10 Миллий сериал: «Умиддинги сўндирма».
20.45 «Ватанимиз куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ватан манзиллари».
22.05 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.45 «Икки».
22.50 «Кичкина Доррит». Т/с.
23.50 - 24.00 «Чун».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Наврў шукуи».
00.15 «Юлти хабт». Тоқ-шош.
1.00 «Ахборот». Рус/
1.30 «Тараннум».
2.10 «Ватан манзиллари».
2.35 - 3.30 «Мамнавият» дастури.
3.30 «Салом, Ёшлар».
4.00 «Ахборот».
4.35 «Олтин мерос».
4.45 ТелеТевар: «Парвона».
5.25 «Ўзбекистон табияти».
5.45 - 5.55 «Очун».



7.00 «Салом, Ёшлар»
7.30 «Давринг боласи»
7.40 «Мультианорама»
8.00 «Ғоиб». Т/с
8.40 «Яшаш сирлари»
9.00 «Ғузалик ортида». Т/с
9.50 «Огоҳ бўлинг!»
10.00 «Давр»
10.10 «Табият қиёфалари»
10.40 «Хабт сўрақлари»
11.10 «Ер сайраси». 11-қисм.
12.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
12.50 «ИЗЕЖ»
13.00 «Давр»
13.10 «Давринг боласи»
13.20 «Қора ўрдак». М/с.
13.40 «Чашма»
13.50 «Зульфия издошлари»
14.00 «Салом, Ёшлар!»
14.30 «Yoshlar FM»
14.50 «Инсон психологияси»
15.35 «Ош бўйсин!»
15.55 «Барқамоллик сари».

16.00 «Давр»
16.10 «Давринг боласи»
16.20 «Мультианорама»
16.30 «Ёшлар ва таълим»
16.40 «Ассалом, Ҳаёт»
17.00 «Ғағарилар даври». Т/с.
18.00 «Қишлоқ тарихийети»
18.20 «Ватан меҳри»
18.40 2010 - Барқамол авлод йили: «Келажак эгалари»
18.50 «ИЗЕЖ»
19.00 «Давр»
19.30 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар»
20.20 «Қўлдан наволари»
20.40 «Барқамоллик йулдан»
21.00 «Ғузалик ортида». Т/с.
21.55 «Икки»
22.00 «Давр»
22.30 Миллий спектакль: «Чимил-джо»
00.20 «Илком қанотлари»
1.00 «Салом, Ёшлар!»
1.30 «Yoshlar FM»
2.00 «Давр»
2.30 «Хабт-мамонт». Т/с.
4.10 «Икки мактаби»
5.00 «Сри тинчилиги»
5.05 «Тажид-2». Б/ф.
6.30 «Уйимдаги фаршмаат»
6.55 «Барқамол авлод».

ТОҶИКИСТОН

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент»
8.35 «Қадосонар»
8.45 Мумтоз наволар.
8.55 «Эсмеральда». Т/с 62-қисм.
9.30 «Пойтахт»
9.40 Бизнес-Пойтахт»
9.45 Т/с: «Ўзи уйламаган совчи». 13-қисм.
10.10 «Авл қалби»
10.30 «Пойтахт». Рус/
10.40 «Доч Махарадзи». Т/с 5-қисм.
11.10 «Будите здоровы»
11.25 «Тошкентнинг илм максаданлари»
11.35 «Мушкетер қиз». Б/ф. 1-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент»
14.00 «Дунё» теледустури.
14.55 «Уларим»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Эсмеральда». Т/с. 63-қисм.
15.45 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.35 «Банбан лақаби йўлбарча». М/ф. 2-қисм.
17.15 «Карвонасарой»
17.25 «Иёлгоҳ»
17.45 «Хор жамоасининг концерти»
18.00 «Пойтахт»
18.25 Т/с: «Ўзи уйламаган совчи»
14-қисм.
18.50 «Химоя»
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 17-қисм.
20.00 «Пойтахт»
20.20 Бизнес-Пойтахт»
20.25 «Телекурьер-маркет»
21.00 «Анқак вилон». Т/с.
21.05 «Менинг маҳаллам»
21.20 «Уйларим»
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». Рус/
21.50 «Репортаж». Рус/
22.00 «Телекурьер-маркет»
22.05 «Қино SMS со звездами»
22.10 «Герой». Х/ф.
22.35 Кўрсатувлар тартиби.
00.00 «Пойтахт». Рус/
00.00 «Будите здоровы»
00.30 «Экономическое рево»
00.40 «Мисли вслух»
00.45 «30.000 лейл вод вод».
Х/ф.
2.10 «Менинг маҳаллам»
2.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
3.20 «Мушкетер қиз». Б/ф. 1-қисм.
4.50 «Химоя»
5.00 «Пойтахт»
5.25 «Икки»
5.30 «Салом, Тошкент»
6.30 «Икки»
6.35 Т/с: «Ўзи уйламаган совчи» 13-қисм.
7.05 «Уларим»
7.10-7.25 Тонги наволар.

SPORT

7.00 «Хайри тонг!»
7.15 Хабарлар.
7.25 Болалар майдончаси:
Тонги гимнастика.
Мультифильм.
«Дахта»
8.00 «Арена»
8.15 ХАБАРЛАР
8.30 «Малҳо ва +»
9.20 Футбол. Осиё чемпионлари Лигаси «Зобахан» (Эрон) - «Бунёдкор» (Ўзбекистон).
11.30 Футбол шарҳи.
11.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионлиги.
12.40 ФИФА тарихидан. Хужжатли сериал.
13.00 Рақамлар, натиқалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси:
«Спортландия»
Мультифильм.
13.30 ИнтерФутбол.
15.10 Билетлар. Кўюк мира.
16.00 Болалар майдончаси:
«Спортландия». Мультифильм.
16.30 Футбол. Осиё чемпионлари Лигаси. «Бунёдкор» (Ўзбекистон) - «Зобахан» (Эрон) Тўридан - тўри оғиб кўрсатилди.
19.10 «Барқамол авлод».
19.30 ХАБАРЛАР.
19.45 Теннис. Майми халқаро турнири.
20.40 Саломатлик ҳазинаси.
20.45 ФИФА тарихидан. Хужжатли сериал.
21.05 Бароғоллар.
21.45 ХАБАРЛАР.
22.00 ИнтерФутбол.
23.40 Футбол. Лига чемпионов УЕФА. «Бавария» - «Манчестер Юнайтед». Прямая трансляция.
1.40 Тунги хабарлар.
1.50 «Хайри тонг!»

БИРИНЧИ

3.00 Талканчал «Добро утро».
7.00 16.00 1.00 Новости.
7.05 Телекачал «Добро утро» - Продолжение.
7.30 Малхош +.
09.10 Футбол. Обзор матчей чемпио-
ната Италии.
09.55 21.30 Батлтон. ЧР. Спринт. Жен-
щины.
11.10 «Моя планета»
12.25 19.00 23.00 «Вестили»
12.55 23.25 Батлтон. ЧР. Спринт. Муж-
щины.
14.20 Фигурное катание. ЧМ.
15.35 Спортивные танцы. ЧР.
16.50 «Моя планета»
17.55 «Неделя спорта»
19.25 Фигурное катание. ЧМ. Трансля-
ция из Италии.
01.20 «Моя планета».

Пайшанба

06.10 Футбол. Чемпионат Италии.
«Рома» - «Интер»
08.00 13.10 19.10 23.10 01.05 «Ве-
сти-Спорт»
08.15 Батлтон. ЧР. Спринт. Женщины.
09.55 Батлтон. ЧР. Гонка преследова-
ния.
13.00 19.00 23.00 «Вестили»
13.20 «Точка отрыва»
13.50 Фигурное катание. ЧМ.
16.25 Волейбол. ЧР. Мужчины. 1/4 фи-
нала. «Локомотив» - «Искра»
18.15 «Рыбалка с Радзишевским»
18.30 Футбол. Обзор матчей чемпио-
ната Италии.

19.25 «Хоккей России»
20.25 Хоккей. КХЛ. Открытый ЧР. Фи-
нал конференции «Запад»
23.25 Батлтон. ЧР. Гонка преследова-
ния.
01.15 «Моя планета».

Жума

05.55 Формула-1. Гран-При Малайзии.
Свободная практика.
09.05 10.40 13.10 17.25 23.10 01.30 «Ве-
сти-Спорт»
09.20 «Моя планета»
10.65 Формула-1. Гран-При Малайзии.
Свободная практика.
13.00 17.15 23.00 «Вестили»
13.20 «Рыбалка с Радзишевским»
13.35 Фигурное катание. ЧМ.
15.35 Батлтон. ЧР. Гонка преследова-
ния.
17.40 Хоккей. КХЛ. Открытый ЧР. Фи-
нал конференции «Восток»
20.25 Хоккей. КХЛ. Открытый ЧР. Фи-
нал конференции «Запад»
23.20 «Вести-Спорт. Местное время»
23.30 Волейбол. ЧР. Мужчины. 1/4 фи-
нала. «Локомотив-Белогорье» - «Газ-
пром-Огр»
01.40 «Моя планета».

Шанба

05.30 Баскетбол. НБА. «Сан-Антонио» -
«Орландо»
08.15 09.35 11.40 18.30 23.10 01.55 «Ве-
сти-Спорт»
08.30 «Моя планета»
09.45 «Вести-Спорт. Местное время»
09.55 Батлтон. ЧР. Масс-старт. Жен-
щины
10.50 «Будь здоров!»
11.30 «Вестили».

11.55 Батлтон. ЧР. Масс-старт. Муж-
чины.
12.55 Формула-1. Гран-При Малайзии.
Квалификация.
14.40 «Моя планета»
15.45 Хоккей. КХЛ. Открытый ЧР. Фи-
нал конференции «Восток»
18.40 Мини-футбол. ЧР. ЦСКА - «Ди-
намо 2»
20.35 Батлтон. ЧР. Масс-старт.
23.20 «Вести-Спорт. Местное время»
23.55 Футбол. Чемпионат Италии.
«Удинезе» - «Ювентус»

Якшанба

05.30 Баскетбол. НБА. «Даллас» -
«Оклахома Сити»
08.15 09.35 12.00 15.45 23.10 02.10
«Вести-Спорт»
08.30 ЧМ по футболу. Курс - Юж-
ная Африка.
09.05 «Страна спортивная»
09.45 23.30 «Вести-Спорт. Местное
время»
09.55 Батлтон. ЧР. Эстафета. Жен-
щины.
11.30 «Моя планета»
11.50 23.00 «Вестили»
12.10 Формула-1. Гран-При Малай-
зии.
15.55 Батлтон. ЧР. Эстафета. Муж-
чины.
17.40 Хоккей. КХЛ. Открытый ЧР.
Финал конференции «Запад»
20.35 Баскетбол. ЧР. Мужчины.
УНИКС - «Химки»
22.15 «Моя планета»
23.40 Формула-1. Гран-При Малай-
зии.

Дания почтаси: POST Бизнес-хамкорлар асосий эътиборда

Дания – энг жанубий ва энг кичик Скандинавия мамлакати – худуди 43 минг квадрат километр, аҳолиси 5,5 миллион киши. Шунга қарамадан, кўп иқтисодий кўрсаткичлари, аҳолисининг турмуш фаровонлиги бўйича нафақат ўз минтақасида, балки жаҳонда етакчилар қаторида туради. Иқтисодиётида саноатнинг улуши 40 фоиздан ошувчи бу мамлакат аҳоли жон бошига ташки савдо айланмаси жиҳатидан дунёда етакчи ўринга кўтарилган. Энг диққатга сазовор томонларидан бири, мамлакатда юқори технологиялардан фойдаланишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол, солиқлар жуда юқори дея таърифланувчи Данияда фуқаролар солиқ бўйича декларацияларни бевосита онлайн тарзда тўлдиришлари мумкин. Аммо бизнинг мавзумиз почтага бағишлангани учун эътиборингизни Европа почта бозорларида катта ўзгаришлар амалга оширилаётган, жаҳон иқтисодий инкирози шароитида фаолият юритаётган ва юқорида таъкидланганидек, сўнгги технологияларни ўз дushmanи эмас, балки асосий кўмакчиси сифатида иш жараёнига татбиқ этишни уйдлаётган Дания почтаси – Post Danmark A/Sга қаратмоқчимиз.



Рақобат ва ҳамкорлик

Мамлакат транспорт вазирлиги тасарруфидаги Дания почтаси 2002 йили давлат акциядорлик жамиятига айлантирилди. Бундан мақсад, биринчидан, Европа почта бозорларини либераллаштириш бўйича талабларни бажаришга қаратилган бўлса, иккинчидан, халқаро уюшмаларга кириш эди. Уша пайтдан ҳозиргача Дания почтасининг 250 граммдан 50 граммгача бўлган хатларни жўнатиш монопол ҳуқуқи мунтазам ва сезиларли тарзда чекланишларга учрамоқда. Скандинавия мамлакатлари бозоридagi асосий рақобатчилардан бири – Норвегия

почтаси (Norway Post) фурсатни бой бермади ва 2006 йил бошларидан данияликларга ўз хизматларини таклиф этишни бошлади.

Дания почтаси бош ижрочи директори Хелге Израелсен бу борада шундай муносабат билдирган: “Худудимизда янги почта хизматчиларининг пайдо бўлиши бизни ташвишга солади, албатта. Бироқ, ўйлашимизча, рақобатчимиз юртдошларимизга бизчалик кўп маҳсулот ва сифатли хизматлар таклиф эта олмайди. Бунинг устига, норвегияликлар билан жўнатмалар хизмати бўйича аввалдан ҳамкорлик қилиб келамиз”.

Дания почтасининг Швеция почтаси (Posten AB) билан ҳамкорли-

ги янада юқори босқичга кўтарилган. 2009 йили икки компаниянинг бирлашиши тўғрисидаги тарихий битим имзоланди. Янги шаклланган Posten Nordens AB компаниясининг умумий даромади 34 миллиард дания кронасига тенг бўлиб, 52 минг ходимни бирлаштиради. Директорлар кенгаши раиси Фриц Шур компания келгусида Европа почта бозорини қайта шакллантиришда фаол иштирокчига айланишига ишонч билдирган.

Белгия почтаси (De Post-La Poste) билан ҳамкорлик бирмунча бошқачароқ шаклда ривожланипти. 2006 йили Дания почтаси CVC Capital Partners Limited инвестиция компанияси билан биргаликда Белгия почтасининг минус бир 50 фоиз акциясини сотиб олди. Бу битимга кўра, De Post-La Poste замонавийлаштирилиши ва Европа бозорида рақобатбардошлигини сақлаб қолиши шарт эди. Утган уч йил давомида бу вазифа ортиги билан уйдалангач (компания даромадлари ишончли ўсиш кўрсаткичларини қайд этди), данияликлар ўз улушларини CVCдаги ҳамкорларига сотишди.

Жаҳон иқтисодий инкирози почта хизматларини ҳам четлаб ўтмади, хусусан, Дания почтаси 2009 йил тўққиз ойида амалиётлардан 235 миллион крона фойда олди. 2008 йилнинг худди шу даврида 726 миллион крона фойда олинганди. 2009 йилда

жўнатилаётган хатлар сони 9 фоизга, жўнатмалар сони бундан-да сезиларли даражада камайиб кетди.

Корпоратив хизматлар

Компания мижозлари орасида йирик компаниялар қатори янги ташкил топган кичик компаниялар ҳам бор. Дания почтаси учун мижознинг катта-кичиги йўқ, уларга бир хил муносабат, ҳамкорлик таклиф этилади ва бу мавқеини йўқотмаслик учун тинимсиз изланишлар олиб борилади.

Данияда почта тарифлари борасида йирик ўзгаришлар охириги марта 2008 йилнинг бошларида амалга оширилганди, аммо иқтисодий инкирози сабаб хат-хабарларнинг айрим турлари учун хизмат ҳақлари 2009-2010 йиллар бошларида ҳам бирмунча ўзгаришларга учради. Масалан, икки йил аввал стандарт шаклдаги хат тарифи 0,75 кронага юқорилаб, 5,5 кронани ташкил этди.

Тариф ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар улар амалга киритилишидан уч ой аввал маълум қилиб борилади. Янгиликлардан яна бири бизнес-хатлар соҳасида бўлди – бир йўла уч мингтагача ва ҳар хил бўлган хатларни жўнатиш энди аввалгидан арзон нархда етказиб бериладиган бўлди.

(Давоми бор.)

Рақамлар сўзлаганда:

Куйидаги корхоналар тўлиқ ёки қисман Дания почтасига қарашли: Budstikken Transport A/S (курерлик экспресс-хизмати) – 100 фоиз, Pan Nordic Logistics AB (халқаро жўнатмаларни етказиб бериш) – 50 фоиз, Post Danmark Leasing A/S (енгил ва юк автомобиллари лизинг савдоси) – 100 фоиз, Data Scanning A/S (анъанавий почтага ишлов бериш ва рақамли шаклга ўтказиб етказилишни таъминлаш) – 100 фоиз, e-Boks (жисмоний шахслар учун бепул электрон хизматлар кўрсатиш) – 33,3 фоиз, Transportgruppen A/S (транспорт ва логистик хизматлари) – 51 фоиз.

Дания почтаси 67 фоиз йиллик даромадини эркин рақобат шароитидаги фаолиятдан олади.

Дания почтасида 21 минг ходим меҳнат қилади.

Келажакни башорат қилиш осон иш эмас. Айниқса, фан-техника тараққиёти шиддатли тус олган, саноксиз қурилма ва технологиялар пайдо бўлаётган бизнинг асримизда. Тўғри, аксарият қурилмалар аввалгиларининг тақомиллашуви махсули, бироқ инкор этмаслик керакки, бизнинг келажак технологиялари борасидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартириб юборувчилари ҳам оз эмас. Демак, танишамиз, хорижлик мутахассислар куйидаги 10 технологияни келажак технологияларининг энг саралари сифатида эътироф этишмоқда:

10. Рақамли кутубхоналар

Асрлар давомида тўпланган ёзма манбаларнинг рақамлаштирилиши юксак марраларни забт этишда муҳим рол ўйнайди. Масалан, Мичиган технологиялар институтида қилинаётган маърузаларнинг онлайн шаклидан барча фойдаланиши мумкин. Вақти келиб ўзимизни қизиқтирган барча саволларга интернет орқали жавоб олишимиз одатий ҳолга айланади.

9. Генлар терапияси ва тана ҳужайралари

Кўп касалликлар генларга боғлиқ. Олимлар зарарланган генларни тўғрилаш ва ҳужайраларни ўзлари истагандек ўстириш устида изланиш олиб боришяпти. Келгусида наслик касалликларни даволаш оддий шамоллашни даволашдек осонлаштиришга умид қилиб қоламиз.

8. Сисиз интернет

WiMAX, 3G, 4G ва ҳоказо технологиялар мутта-

Келажак технологиялари

сил ривожланишда, ҳатто бугунги кунда сайёраимизнинг энг баланд нуқтаси – Жамолунгма чўққисида туриб ҳам интернетга улашиш мумкин. Бундан ташқари, интерфейсларнинг универсаллашуви тез орада исталган турдаги икки қурилмани симсиз боғлаш мумкин, деган хулосага келишимизга замин яратилади.

7. Мобил роботлар

АҚШнинг Истикболли талқидчи лойиҳалари бошқармаси ташкиллаштирилган мусобақаларнинг кўрсатишича, ҳозир баъзи бир роботлар шаҳар кўчаларига автомобилни семалол бошқара олади. Демак, келгусида узоқ масофага қатновчи машиналар ҳайдовчилари ёки омборхоналарда юк ортувчилар орасида роботларни учратсангиз асло ҳайрон бўлманг.

6. Тақомиллашган ва янада арзон кўйон батареялари

Технологиялар тараққий этгани сайин фотоэлектрик элементларнинг таннархи пасайиб борапти. Яна ўн йил ичида кўёш энергияси қиймати ҳозир биз ишлатаётган электр энергияси қиймати билан тенглашиши мумкин. Шунда кўёш батареялари хонадонларнинг доимий йўлдошига айланади.

5. Масофадан маълумотларга ишлов бериш имконияти

Сиз кўчадан туриб исталган объект (масалан, бино)га телефонингизни тўғрилаб у ҳақда тўлиқ маълумота эга бўласиз (географик ўрни, интернетдаги манзили ва ҳоказо).

4. Уйда уч ўлчамли чоп этиш

Келажакда сиз янги қурилма, масалан, мобил телефон аппарати сотиб олиш учун дўконга боришингиз шарт эмас, у ҳақдаги маълумотларни кўчириб олиб, 3D принтерга буйруқ берсангиз бас – яп-янги телефон қўлинигизда. Кейинги мантқиқий қалам – ҳар ким ўз қурилмаларини чиқариши ва интернетда сотишига қаратилган.

3. Мур қонуни

1965 йили Гордон Мур очган қонунга кўра, ҳисоблаш имкониятлари ҳар йили икки бараварга кўпайиб боради. Сўнгги утган ўн йилликларда бу қонун ўз ибобини топмаётганини олимлар бот-бот таъкидлашмоқда, бироқ янги технологиялар ва кашфиётлар чиқараркан Мур қонуни кучини йўқотмаслиги аниқ.

2. Тераневтик клонлаштириш


Гап инсон ёки ҳайвонларни клонлаштириш ҳақида эмас, балки кўчириб ўтказиш мумкин бўлган органлар ҳақида кетяпти. Ўсимталар билан зарарланган органлар соғлом клонлар билан алмаштирилади.

1. Водородли иқтисодиёт

Инсоният сувдан водородни ажратиб олиб, ундан ёнили сифатида фойдаланишга ўтади. Водороддан чиқадиган чиқинди – фақат сувдан иборат. Демак, водород – келажакдаги муқобил энергия воситаларидан бирига айланади.

Корпоратив тармоқ истиқболлари

Ўтган йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хомийлигида ТАТУ Фарғона филиали учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозланган янги ўқув мажмуаси барпо этилди. Мажмуадаги ахборот-коммуникация технологияларидан бири - ТАТУ ва унинг Фарғона филиали ўртасида яратилган VPN корпоратив тармоғидир.



Илк бор Тошкент ахборот технологиялари университетида яратилган VPN дастурий тармоғи ҳозирги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган юқори тезликдаги ахборот алмашинуви амалга оширувчи техник воситага айланди.

Замонавий инсон ўз бизнеси ёки кўп қиррали фаолиятини ривожлантириш учун, албатта, улкан миқёсда ахборот алмашинуви эҳтиёж сезади. У бу эҳтиёжни қондириш учун ё дунё бўйлаб саёҳат қилиши ёки узлуксиз равишда телефон билан алоқа ўрнатиши лозим бўлади. Бироқ булар иқтисодий жиҳатдан катта муаммоларни туғдириши табиий. Демак, корпоратив тармоқ бугунги замондошимизнинг захирада яшириниб ётган имкониятларини юзага чиқаришга ҳам муайян шароит яратади.

Бундай вазиятда корпоратив тармоқнинг аҳамияти беқийсдир. VPN технологиясининг афзаллиги шундаки, бунда масофадан туриб фойдаланиш телефон тармоғи воситасида эмас, балки ундан кўра қулай ва арзон бўлган интернет орқали амалга оширилади. Шахсий тармоқ учун масофадан туриб фойдаланишни

VPN технологияси асосида ташкил этишда интернет ва реал IP манзили керак бўлади. Ушбу таъминотлар ташкил этилгандан сўнг ер юзининг исталган нуқтасидаги фойдаланувчи филиал тармоғига (агар IP манзили мизни билса), тармоғимизнинг логин ва паролни териб боғланиши мумкин. Демак, VPN технологияси яқин келажакда бутун дунёда кенг қамровда қўлланила бошлашига ва шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг оммаланишига шубҳа қилмас бўлади.

Тошкент ахборот технологиялари университети билан филиалимиз ўртасида VPN корпоратив тармоғини яратиш мақсадида университет ректори С.Қосимов раҳбарлигида филиалнинг ички локал тармоғи лойиҳалаштирилиб, ишга туширилди ва у VPN корпоратив тармоғи орқали ТАТУнинг ички тармоғига уланди. Эндиликда филиал локал тармоғидаги ҳар бир компютер ҳеч қандай интернет боғланишини соғинамасдан ҳам "UZ" домендаги "TAS-IX" сайтларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига, филиал раҳбар ходимлари эса ТАТУ почта серверида ўз электрон почта-

ларига эга бўдилар. Натижада филиал билан ТАТУ ўртасида локал тармоқдаги сингари юқори тезлик билан ахборот алмашинуви имконияти вуқудга келди.

Филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари корпоратив тармоқдан фойдаланиб, замонавий ахборот узатиш ва улар асосида хизмат кўрсатишнинг амалий кўникмаларини эгаллаш, ТАТУ билан филиал ўртасида ягона электрон почта алоқасидан фойдаланиш ҳамда КАРМАТ-ТУИТ еlib дастури асосида ТАТУ ҳамда Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан ахборот алмашиш имконига эга бўдилар.

Ўқув юртимиз профессор-ўқитувчиларидан доцентлар Ф.Полвонов, А.Абдуқодиров, Н.Жўраев, талабалардан Ф.Мулайдинов, А.Абдуллаевлар корпоратив тармоқ билан ишлашда маълум тажриба орттириб, ўқув жараёнида қўллашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда ушбу тармоқнинг имкониятларидан келиб чиқиб, масофавий таълимни жорий қилиш мақсадида видеокон-

ференция хизматларини ташкил этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бинобарин, яқин келажакда соҳанинг етук олимлари, салоҳиятли мутахассислари билан талабаларнинг бевосита илмий-ижодий мулоқотларини ўтказиш амалиётига киритилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда ТАТУ раҳбариятининг ташаббуси билан университет ва унинг Нукус, Урганч, Қарши, Самарқанд ва Фарғона филиаллари ўртасида барпо этилган VPN корпоратив тармоғи узок келажакни кўзлаб яратилган истиқболли ишлардир. Юқори тезликка эга бўлган бу тармоқ орқали нафақат ТАТУ, балки унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам Жанубий Корёя, Голландия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг йирик олий ўқув юрталари ва илмий марказларининг семинарлари, анжуманлари ҳамда электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Рустам ТЕСАБОВ,
ТАТУ Фарғона
филиали директори

Савдо жараёнида бир қанча тушунчалар мавжуд. Электрон тижорат - инновацион усуллар, савдо соҳасида маҳсулотларни сотиш ишларини бажариш ва хизмат кўрсатишларни ўз ичига олган компютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган савдо шаклидир. У харидорга маълум стандартлар ва савдо қонун-қоидалари асосида фирма ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни ва сотувчилар билан мулоқотни таъминлаб, харидорга кўпроқ маҳсулотлар танлаш имконини берувчи тизимдир. Бунда савдо жараёни харидорнинг қайси вақтда, қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас. Мазкур тизим харидорлар учун кенг танлов имкониятини очиш, ишлаб чиқарувчилар учун эса сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни яратишга хизмат қилади.

Электрон бизнес кўпчилик учун янги тушунчадир. Бу технология Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Электрон бизнес бу - интернет ёрдамида виртуал савдо соҳасида ёки майдонида савдо-сотикни амалга оширишдир. Унда сотувчи ва сотиб олувчи қатнашади. Бу савдо-сотикнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

B2B (Business to business) ва B2C (Business to Customer).

B2B - корхоналар ўртасидаги савдо-сотик муомаласи.

B2C - корхона ва шахс ўртасидаги савдо-сотик муомаласи.

Интернет орқали электрон бизнес қандай амалга оширилади? Буни мисол ёрдамида тавсифлаймиз. Масалан, сиз канцелярия маҳсулотларини харид қилмоқчисиз. Махсус қидирув тизимлар ёрдамида электрон дўкон манзилини топасиз. Электрон дўкон бу маҳсулотни сотаётган интернет саҳифасидир. Унга кириб, товарингизга буюртма берсангиз бўлади. Лекин канцелярия товарлари турли хил бўлганлиги сабабли, дўконнинг қидириш тизимидан фойдаланишининг мумкин, масалан, ручкалар, дафтарлар ва ҳоказо. Бу товарлар сизнинг дидингизга мос келса ва нархи

сизни қаноатлантирса, сиз уни харид қиласиз. Бунда қуйидагига афзалликлар бўлади:

- маҳсулот ассортиментининг тўлаллиги;
- маҳсулот билан батафсил танишиш имконияти;
- манзил ва вақтнинг аҳамиятига эга эмаслиги (яъни, сизга қулай бўлган вақтда дунёнинг ихтиёр нуқтасидаги дўкондан нимадир харид қилишингиз мумкин);
- танланган товарларни уйга етказиш заруратининг йўқлиги (товарларни дўкон сиз кўрсатган манзилга етказилади).

Бу харидларни амалга оширишда электрон тўловлар мавжуд. Яъни, харидор учун етказиб берилган товарларни интернет глобал тармоғи орқали тўлаш имконияти ҳам вуқудга келди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юртувчи "eKarmon" тизимини кўрсатиш мумкин. "eKarmon" тизими электрон тижорат иштирокчиларига интернет тармоғи орқали, шахсий электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда, товарларни зудлик билан харид қилиш, сотиш ёки хизмат кўрсатиш имконини беради.

Яна бир тўловлар тизими бу - Web Moneyдир. Бу электрон ҳисоб тизими бўлиб, унда барча фойдаланувчилар универсал ҳисоб бирликлари билан айира бошлашлари мумкин.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришда, дунё тажрибасида кенг қўлланилган қуйидаги тамойилларга амал қилинмоқда:

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол рол ўйнайди;

TATU TALABALARI

Ўзбекистонда электрон бизнес

- электрон тижоратга нисбатан давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўйилмайди;

- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида аралишиши мумкин;

- электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти инернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;

- электрон тижорат жараёни маъмурий-ҳудудий бўлиши ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, глобал масштабда содир бўлиши лозим.

Электрон тижоратнинг асосини, яъни ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича бир қанча сезиларли ишлар амалга оширилди. 2004 йил 29 апрелда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2007 йил 30 ноябрда Вазиirlар Маҳкамасининг "Электрон тижоратни ривожлантириш тўғрисида"ги ва 2007 йил 12 июнда "Электрон тижорат тизимини амалда қўллашда тўлов тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлар қабул қилинди. Республикадаги электрон тижоратни ривожлантириш билан бир қаторда, бу соҳанинг такомиллаштиришига тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларнинг тезкор ва аниқ ечилиши бугунги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Диляуза СОБИРОВА,
ТАТУ 4-босқич талабаси

СИРДАРЁ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Сирдарё Телеком” филиалда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси билан маъмурият ўртасида имзоланган “Ягона жамоа шартномаси” ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш, филиалнинг жойлардаги бўлимларида соғлом мухитни яратиш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқинда жамоа шартномасини амалга оширишнинг 2009 йилги якунлари муҳокама қилинган анжуманда алоҳида таъкидландики, ҳисобот даврида аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари ҳажми 4 миллиард 741 миллион сўмни ташкил қилди ёки белгиланган режа ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан 61 фоиз ортиги билан адо этилди.

Фақат аҳолининг ўзига кўрсатилган алоқа хизмати ҳажми 1 миллиард 195 миллион 274 минг сўмни ташкил этди. Бу эса 2008 йилги кўрсаткичга нисбатан 26 фоиз ортиқдир.

Жамоа шартномасини бажариш якунларига бағишланган конференцияни Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси раиси Улуғбек Таниқулов очди ва бошқарди. Анжуманда филиалнинг туман ва шаҳар телекоммуникациялар боғламалари цех касабга уюшмаси ташкилотларидан саяланган вакиллар, Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раёсати аззоси Ю.Ғофуров қатнашди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, жамоа шартномасида мўлжалланган бандларнинг барчаси тўлиғича ба-

Барқарорлик

жарилган. Бу эса алоҳида эътиборга сазовордир. Филиалда меҳнатга ҳақ тўлаш, кўзда тутилган турли моддий ёрдам маблағлари, узоқ йиллар тармоқда узлуксиз ишлагани учун ишчи-хизматчиларга кўшимча тўловларнинг амалга оширилаётгани нафақат филиалнинг марказий илорасида, балки унинг туман ва шаҳарлардаги телекоммуникациялар боғламаларида ҳам барқарорликни таъминлаб, юқорида қайд этилган ютуқларни кўлга киритишга пухта замин яратмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан вакиллар – Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Д.Мавлонова, Боёвут ТТБ электромеханиги Ш.Ашуров, Гулистон ТТБ муҳандиси Қ.Мамадалиевлар бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси ва филиал маъмурияти ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида

ишчи-ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, оилавий маърака ва маросимлари ўтказишда моддий ёрдам берилаётганлиги, тармоқда кўп йиллар самарали хизмат қилган ходимларнинг иш стажлари ҳисобга олинаётганлиги, уларнинг юбилей саналарини нишонлашда касабга уюшмаси ва маъмурият вакиллари бош-қош бўлишаётганини

алоҳида таъкидладилар. Сўзга чиққанлар жамоа шартномасининг бажарилишини қониқарли деб баҳоладилар.

Конференцияда филиал раҳбари Анвар Ағалиев қатнашди ва иштирокчилардан тушган саволларга тўлақонли жавоблар қайтарди, шунингдек, даромадлар ҳажминини янада кўпайтириш, бунинг учун ҳозиргача тўлиғича фойдаланилмаётган ички имкониятларнинг етарли эканлиги тўғрисида сўзлади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Сирдарё филиали ва вилоят алоқа ходимлари БКУҚ ўртасида 2009-2011 йилларга тузилган жамоа шартномаси шартларини 2009 йил якуни бўйича ижросига бағишланган анжумани ҳам шу кунни ўтказилди. Йиғилишда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сирдарё филиали директори Тожимирза Сайфуллаев қатнашди.

Вилоят почта хизмати ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини кўзда тутган жамоа шартномасининг ижроси муҳокама қилинган конференцияни вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси раиси Улуғбек Таниқулов бошқарди.

2009 йил якунларига кўра, почта хизмати соҳаси бўйича белгиланган режа 134 миллион 919 минг сўмга ёки 118,7 фоизга бажарилган. Жамоа шартномасига асосан тармоқ ишчи-хизматчиларининг ҳар бирига тўланган ўртача маош миқдори 157,6 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобот даврида болалар спортини ривожлантиришга, 2 ёшгача фарзанд парвариши билан банд бўлган ходимларга жами 2 млн. 563 минг сўм сарфланган. Эътиборли томони яна шундаки, навбатдаги меҳнат таътилга кўшимча равишда 2 млн. 449 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган.

Жамоа шартномаси асосида тармоқ ходимлари фарзандларини ёзги оромгоҳларда кўнглили дам олдириш ва саломатлигини янада мустаҳкамлашга 4 млн. 457 минг сўм ажратилган.

Конференцияда сўзга чиққанлар фикрича, ҳали ишга туширилмаган имкониятлар кўп. Навбатдаги 2010 йилда жамоа шартномаси шартларини бажарилиши бўйича тушган таклифлар тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ
Сирдарё вилояти

КАШҚАДАРЁ

Ижро интизомига доир

Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизоми мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг 2010 йил 15 январдаги “Ижро интизоми мониторинги, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича масъул ходимларни яқкама-яқка суҳбатдан ўтказиш натижалари тўғрисида”ги буйруғи ижроси доирасида жамиятнинг Қашқадарё филиалига қарашли барча шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларининг иш юритувчи ходимлари малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар ўтказилди.

Семинарда Вазирлар Маҳкамасининг қарори моҳияти, корхона ҳужжатларини кирим қилиш, тарқатиш, назоратини йўлга қўйиш,

ҳужжатлар тартиби ва назоратини таъминлаш бугуннинг талаби, чиқариладиган ҳужжатларни юритиш, хизматда фойдаланиш учун ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, ҳужжатларни архивга қабул қилиш усуллари мавзуларида вилоят ҳокимлиги умумий бўлим бош мутахассиси Галина Емяшева, филиалнинг назорат ишлари бўйича етакчи мутахассиси Шукрулло Жалилов, махсус бўлима бошлиғи Ғафур Шодмонов, вилоят Давлат архиви бош мутахассиси Светлана Пак, АКМ директори Клара Дусёровалар маъруза қилдилар.

Иш юритувчи ходимлар ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида тарқатмалари материаллар, иш юритиш қоғозлари, ижро интизомига доир ҳужжатларнинг айланиши юзасидан мустақил иш бажариб, вилоят архиви фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Долзарб мавзу

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида “Диний экстремизм ва унинг ижтимоий оқибатлари” мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Филиалнинг маънавият ва маърифат бўлими ҳамда “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган тадбирда филиал директорининг ўринбосари Муслим Муродов, “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси ўқитувчиси Комилжон Султонов, Қарши туманидаги Ҳожи Хидир жомъе масжиди имом хатиби Ражабали Норқўчқоров, туман ИИБ ходими лейтенант Жамшид Ҳамроев, туман Давлат нотариуси Озода Норина ва бошқалар баркамол авлодни тарбиялашда диннинг аҳамияти, ҳушёрлик ва сергаклик давр талаби эканлиги, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш омиллари, диний ақидапарастлик ва терроризмнинг ижтимоий оқибатлари мавзусида маъруза қилдилар.

Сўзга чиққанлар ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар, ёт оқимларга қарши курашиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ҳар бир кишининг маъсулиги, истиқлол йилларида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоялаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари моҳияти, ёшларнинг билим олишлари, камол топишлари, интилишлари учун барча имкониятлар мавжудлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга “Изтироб ёки бир жангари хотиралари” ҳужжатли филми намойиш этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

ФАРҒОНА

АРМнинг ибратли ишлари

Марғилон шаҳридаги 2-Тиббиёт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази китобхоналарга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказ жойлашган “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳамда кўп қаватли уйлардан иборат бўлган қўшни “Ватан” маҳалласи аҳолиси ҳам коллеж талабалари қатори АРМ хизматидан фойдаланишяпти.

АРМ 10072га китоб захирасига эга бўлиб, 1783 нафар доимий аззоси бор. Унинг 30 ўринга мўлжалланган ўқув зали доимо китобхоналар билан гавжум. Бу ерда долзарб мавзуларда китоб кўرғазмалари ташкил этилади. Шунингдек, “Миллий гоа тарихоти”, “Миллий қадриятлар”, “2010 — Баркамол авлод йили”, “Қасбим — фаҳрим”, “Биз соғлом турмуш тарқдоримиз”, “Тошкент 2200 ёшда”, “Одам савдосига қарши кураш” номли бурчаклар ҳам ташкил этилган.

Марказ иш фаолиятини ташкил этишда 12 кишидан иборат кенгаш аъзоларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Кенгаш ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказяпти.

АРМда “Нурхона” китобхоналар тўғраги ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари асосан иқтидорли ўқувчилардан ташкил топган. Айниқса, Э.Раҳимов, Ё.Пўлатова, Г.Мусажонова сингари талабалар кутубхончилик-ахборот ишлари ва турли тадбирларда фаолият кўрсатишмоқда.

Коллежнинг талабалар тураржойида 200 нафар талаба яшайди. Мафтуна Абдурахмонова раҳбарлик қилаётган АРМ филиали талабаларга хизмат кўрсатиш билан бирга, турли мавзуларда тадбирлар ташкил этади. Бу ерда минта яқин турли адабиётлар мавжуд. Марказ ходимлари Карима Алиева, Мадина Мамадиева, Дилноза Низомитдинова, Мафтуна Абдурахмоновалар ўқитувчи ва ўқувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Диск! Жамият ҳаётининг сўнги 10-15 йилида муомалага кириб келган сўзларнинг ҳеч қайсиси ушбу сўзчалик оммалашмаган бўлса керак. DVD, VCD, CD, Flash каби катор турларга бўлинувчи ушбу мўъжазгина буюмнинг ўзида оламжаҳон маълумотларни жамлаши бир қарашда мўъжаздек туюлади. Айниқса, интернет унчалик оммалашмаган ҳудудларда дисклар асосий ахборот ташувчига айланади. Юртимизда ҳам ахборот технологияларининг ушбу турига эҳтиёж борган сайин ортиб бормоқда.

Ачинарлиси, ахборотлаштириш бўйича ислоҳотлар жадвал тус олаётган бир кезде ахборот технологияларига ортаётган эҳтиёждан ноқонуний даромад илнжида фойдаланиб қолишга уринаётган сохта тадбиркорлар ҳамон учраб турибди. Республика-миз божхоначилари томонидан шу турдаги қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Навоий вилояти божхона бошқармаси ходимлари “Сетра” йўловчи автобусини кўздан кечиришганда, кўнгиротлик Р.Ешекеева томонидан салкам 2 минг дона сифати кафолатланмаган DVD дисклар тегишли ҳужжатларсиз яширин тарзда олиб кетилаётганлиги аниқланди.


“Тико” русумли автомашинани назоратдан ўтказган андижонлик божхоначилар эса фуқаро М.Алметовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйишди. Қонунбузар салкам 1,1 млн. сўм қийматдаги 15та VCD плейер, иккита компьютер процессори ва битта монитор, учта рангли принтер, 700 дона VCD дискларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари 3.Тўхтасино-

ванинг айланма йўллар орқали юртимизга олиб кирилган товарлари қаторида аҳоли ўртасида “флешка” номи билан ёйилган 15 дона компьютер Flash Diskларнинг ҳам ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйишди.

Жиззахда эса “Нексия” автомашинасини божхона назоратидан ўтказиш чоғида бухоролик У.Комилов томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 2600 дона DVD ва CD дискларнинг ноқонуний равишда олиб кетилишига чек қўйилди. Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Эслатиб ўтамоқчи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика-миз божхоначилари томонидан аниқланган 40та ҳолатда 18,7 млн.



ДИСК – хавф манбаими?..

сўм қийматдаги 50,2 минг дона сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган турли ҳажмдаги дисклар ушлаб қолинди.

Ҳўш, юқоридаги қонунбузарликларни шунчаки санаб ўтишдан кўзланган мақсад нима? Сир эмас, борган сайин ахборотларнинг манбаи ҳам, кўлами ҳам ортиб бормоқда. Табиийки, кимдир бундан эзгулик йўлида, кимдир ғаразли манфаат йўлида фойдаланиб қолишга интилади. Ахир, бугун маънавиятимизга пугур етказувчи ва баъзида беҳаё мазмундаги материалларнинг электрон нусхаларда ёйилишида ноқонуний равишда олиб кирилатган дискларнинг ҳиссаси йўқ деб ўйлайсизми?

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори

Ёш

авлодимизга

“Баркамол авлод”лар йили дейилган Қарор сиздек ўғил-қизларга. Оқлагисиз буни, буни албатта, Дилдан ваъда бериб бизларга.

Бу қарордан руҳланиб, ёниб, Меҳнат қилинг гоилик учун. Белга маҳкам боғланг белбоғни, Кўрсатай деб курашда кучим.

Мўъжизалар кашфиёт қилинг, Эл-юрт доим тилига олсин. Бу баркамол ёшлар йилида Номларингиз ёзилиб қолсин.

Турли синов, турли курашда, Пешқадамлик авлоддан мерос. Дунёни тан олдириганимиз Тоза қондан ўтгани ҳам рост.

Мана энди турли соҳада, Галабангиз бўлмоқда аён. Боболарнинг машҳурлигини, Қилмоқдасиз ошкор, намён.

Ёш авлодга барча шароит Ватанимнинг қароридан бор. Буни доим сезиб турамоқчи, Берганидан сизга эътибор.

Барча қилар ишларингизда, Билинг, Ўзбекистон малалдор. Унинг азиз фарзандидурсиз, Сиз биз учун фахру ифтихор.

Миржамол МИРЁҚУБОВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“KELAJAK-TASVIR” хусусий фирмасининг (Чирчиқ ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002763 рақамли;

“SAYYORA-PLUS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Чирчиқ ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002765 рақамли;

“YOG’DU-PLUS” хусусий фирмасининг (Чирчиқ ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002764 рақамли;

“Кўқон Лойиҳа-Қурилиш” масъулияти чекланган жамиятнинг (Кўқон ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002505 рақамли;

“FANTASTIK NET” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002698 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 19 мартдан тугатилди.

Лоқайд бўлмайдик

Уяли телефондан хар бир фуқаро кенг фойдаланмоқда. Бу қулай воситани хар бир шахс кўлида кўриши мумкин. Тўғри, кўп телефоннинг қулай томонлари кўп, аммо бу восита аста-секин инсон саломатлигига катта зарар етказиши ҳам мумкин-да!

Бугуни кунда аксарият ота-оналар фарзандлари қўлига бири-бирдан қиммат телефон тутқазиб қўйишганини кўриб ҳайратланасиз. Балки, ота-оналарнинг тутган йўли ўзларича яхшидир, аммо уларнинг аксарияти фаровон ҳаёт кечириётганидан, кимдир эркатой фарзандларидан қулоғим тинчисин, кўнглига йўл топай, деган маънода бу матоҳни харид қилиб беришяпти. Эркатой фарзандлар ота-оналаридан пул олиб, таълим масканларида таҳсил олаётган дўстлари билан шунчаки вақт ўтказиш учун соатлаб галлашиб, турли SMSлар ёзиб беҳуда пул сарфлаётганини кўриб, кайфиятингиз ёмонлашади. Энг ёмон томони, турли алоқа кабеллари орқали асаб бузилишига олиб келиналган жанглар, беҳаёликка ундовчи, аниқроғи, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи, фотосуратлар, клиплар кенг тарқалиб борилаётгани ачинарли ҳодир. Бир сўз билан айтганда, айрим ёшлар уяли телефондан фойдаланиш маданиятига лоқайдлик билан ёндашмоқдалар.

Катталарни ҳурмат қилиш ҳиссиёти, одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби инсонийлик тушунчалари айрим болаларда аста-секин камайиб, улар ўрнини эса беҳаёлик, инсофсизлик каби ёмон иллатлар эгаллаяпти. Бундай иллатларнинг юзга келишида ота-оналарнинг айби катта десак, асло хато қилмаган бўлардик.



Нега десангиз, хар бир ота-она ўз фарзандларининг уяли телефон воситасидан метёридан ортиқча фойдаланишидан беҳабар ёки билишган тақдирда ҳам эътибор беришмайди. Агар улар фарзандларининг уяли телефонини доимо синчиклаб назоратдан ўтказса, юқорида таъкиллаб ўтилган инсонийлик мос келмайдиган иллатларнинг олдини олган бўлардик. Аксарият ота-оналар ўз фарзандлари кимлар билан дўстлашиб бораётганига, қайси йўлга кираётганига эътибор бермайдилар. Оқибатда бу лоқайдлик салбий ҳолатларнинг келиб чиқишида муҳим рол ўйнапти.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!

Асқарбек АНБАРЖОНОВ
Сўх тумани

FUTBOL

ЖАМОА САРДОРЛАРИСИЗ
ЎТГАН УЧРАШУВЛАР

Жамоаларимиз Осиёда курашни давом эттиришмоқда. Сешанба куни бўлиб ўтган «Пахтакор» — «Севаҳон» учрашувида жамоа етакчиси Одил Аҳмедовсиз ҳаракат қилган вакилларимиз 2:1 ҳисоби билан муҳим ғалабага эришишди. Биринчи бўлимнинг 39-дақиқасида Артур Геворкян томонидан киритилган биринчи голга 45-дақиқада Аҳмад Жамшидиён жавоб қайтарди.

Иккинчи бўлимнинг 71-дақиқасида захирадан Александр Гейнрих майдонга тушди ва шу заҳотиёқ стандарт вазиятдан чиройли тўп киритиб, мухлисларнинг қувончига сабаб бўлди. Ушбу ҳисоб ўйин якунигача ўзгармади.

«Пахтакор» — «Севаҳон» — 2:1

Голлар: Геворкян, 38 (1:0), Жамшидиён, 45 (1:1), Гейнрих, 72 (2:1).

Эронга сафар уюштирган «Бунёдкор» эса Ривалдосиз ўз ўйинини намойиш эта олмади. Исфохоннинг «Зоб-Оҳан» клуби мамлакатимиз чемпионига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Зоб-Оҳан (Эрон) — Бунёдкор (Ўзбекистон) 3:0

Голлар: Хусейний 38 (1:0), Гозий 54 (2:0), Халатборий 80 (3:0).

Осиё Кубоги баҳсларида иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ҳам учинчи турда қутилган натижани қайд эта олмади. Биринчи голни киритишга имкон топа олган «Насаф» вакиллари кейинчалик икки тўп ўтказиб юбордилар.

«Насаф» (Ўзбекистон) — «Қазма» (Қувайт) 1:2

Голлар: Илҳом Шомуродов, 37 — Александр Андич, 63, Юсуф ал-Сулаймон, 78.

TENNIS

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ
НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Ҳамюртимиз Денис Истомин АҚШнинг Маями шаҳрида ўтказилаётган АТР мусобақалари тақвимига киритилган «Masters Sony Ericsson Open-2010» халқаро турнирининг асосий турига йўланма олди.

Денис саралаш мусобақасининг дастлабки учрашувида ҳиндистонлик Юки Бхамбридан устидан 6:1, 6:3 ҳисобида зафар кучди.

Асосий тур йўланмаси учун кейинги баҳсда швейцариялик Штефан Бохли ҳамюртимизга жиддий қаршилик кўрсатди. Лекин тажриба ва маҳорат бобида устун бўлган ўзбекистонлик теннисчи баҳсни 7:5, 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Д.Истомин асосий турнинг биринчи учрашувида америкалик Майкл Рассел билан рақобатлашади.

Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Мурод Иноят Олмаота (Қозғистон) шахрида Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилаётган «Фючерс» туркумидаги халқаро мусобақанинг жуфтлик беллашувида муваффақиятли иштирок этмоқда. Украиналик Иван Аниканов билан ҳамкорликда учинчи рақамли дуэтни ташкил қилган Мурод дастлаб мезбон теннисчилар — Қайсар Бекимов ва Рамазон Эрнар ўлини 6:3, 6:2 ҳисобида маълумиятга учратди ва чорак финалга йўланма олди.

MINI-FUTBOL

«АРДУС»

ЧЕМПИОНЛИККА ЯКИН

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида мини-футбол бўйича мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи беллашувлари бошланди.

Ўн учта жамоа ўзаро куч синашаётган баҳсларда ҳали маълумиятга учрамаган «Арду» ўз фаолиятида тўртинчи марта чемпион бўлишга яқин турибди. Пойтахтнинг «Бунёдкор» жамоаси ҳам чемпионлик учун курашни давом эттираётган бўлса, амалдаги чемпион — «Қурувчи-Зарафшон» футболчилари эса бронза медалга даъвогарлик қилмоқда.

SOHA SPORTI



МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИЛАР
ТУРНИРИ

«Матбуот таркатувчи» акциядорлик компаниясида халқимизнинг қадимий ва сеvimли байрами Наврўзни муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш мақсадида шахмат ва шашка бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Компания ходимлари иштирокида ўтган мусобақа натижаларига кўра, аёллар ўртасида шашка бўйича 1-ўрин Муқаддас Қодировга насиб этди.

Эркаклар ўртасида шахмат бўйича мусобақада голибликни Бахтиёр Камолов, шашка бўйича эса Шухрат Самигов қўлга киритди. Голиб ва совриндорларга компания маъмурияти ҳамда касаба уюшмасининг дипломлари, қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мавжуда ОДИЛОВА

ШАХМАТ

«ТОШКЕНТ ОПЕН»
IV ХАЛҚАРО
ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» IV халқаро турнири бошланди.

2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Тошкент опен» халқаро турнири ёшларимиз ўртасида шахматни янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқаро тажрибасини ошириш, хорижлик шахматчиларни ўзбек шахмат мактаби имкониятлари ва салоҳияти билан кенгроқ таништиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шахмат федерацияси ҳамкорлигида тўртинчи мартада ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Украина, Грузия, Беларус, Нидерландия, Индонезия, Исроил, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан 130 нафарга яқин кучли шахматчи голиблик учун куч синашмоқда.

31 мартга давом этадиган «Тошкент опен» IV халқаро турнирида юртимиз шарафини Антон Филлипов, Марат Жумаев, Саидали Йўлдошев, Юлдуз Ҳамроқулова, Нафиса Мўминова сингари тажрибали шахматчилар билан бир қаторда бир гуруҳ истеъдодли ёшлар ҳимоя қилмоқда.

Мазкур мусобақанинг бош ҳомийси — «МТС-Ўзбекистон» компаниясидир.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

МЧЖ «Чирком» қўшма корхонаси жамоаси корхонанинг ММ ва ТХ ҳамда фуқаролар муҳофазаси бўйича маслаҳатчиси
Бобораҳим Рустамовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Фаргона Телеком» филиали жамоаси филиал ходими Эсонали Маматқуловга онаси
Раньохон аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирларё вилояти ҳудудий бошқармаси, «Сирларё Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Гулистон туман телекоммуникациялар боғламасининг собиқ бошлиғи
Жамол СУЛТОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусалод КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ
(Хайъат раиси)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ
Сувон НАЖБИДДИНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 233-80-20,
236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятта кепан қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

G-202 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Алади: 19173 нуска.

Баҳоиси келишилган нархда.
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Усмонов ЮЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 3 4 5

ДИКҚАТ, ТАНЛОВ!



"Xabar" газетаси Баркамол авлод йили муносабати билан "ЁШЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" мавзуида мақолалар танлови ўтказилишини эълон қилади.

Танловда ахборот-коммуникация технологияларининг ёшларимиз ҳаётида тутган ўрни, ўқув жараёнида кенг жорий этилиши, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлардан ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида самарали фойдаланиш, ютуқлар, муаммолар, ечимлар чуқур таҳлил этилган мақолалар билан иштирок этишингиз мумкин.

Танловга юборилган мақолалар "Xabar" газетасида чоп этиб борилади. Мақолалар 2010 йилнинг 1 декабрига қадар қабул қилинади. Голиблар Конституциямизнинг 18 йиллиги арафасида эълон қилинади.

Танлов талаблари:

Танловга аввал ҳеч қаерда чоп этилмаган ва "Xabar" газетаси учун махсус ёзилган мақолалар қабул қилинади. Бир муаллифдан қабул қилинадиган мақолалар сони чекланмаган. Мақолалар ўзбек ва рус тилларида ёзилган бўлиши мумкин.

Мақолалар мавзуси юқорида кўрсатиб ўтилганидек — ахборот-коммуникация технологиялари. Муаллифлик фотосуратлари қўллаб-қувватланади. Мақолалар адабий тил қоидаларига амал қилинган ҳолда, оммабоп услуб ва шаклда ёзилган ҳамда мавзу тўлақонли очиб берилган бўлиши лозим.

Голиб ва совриндорларга:

- 1-ўрин — компьютер,
- 2-ўрин — уяли телефон,
- 3-ўрин — рақамли фотоаппарат.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилади.

Танлов доирасида чоп этилган мақолалар муаллифларига қалам ҳақи тўланмайди.

Танловга юборилган мақолада келтирилган иқтибосларнинг манбаси аниқ кўрсатилиши шарт.

Танлов голиблари "Xabar" газетаси таҳририятида тузилган ҳайъат томонидан аниқланади. Таҳририят мақолаларга ўз муносабатини билдирмайди ва муаллифларга қабул қилинган қарор, юборган мақолалари чоп этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида алоҳида тушунтириш бермайди.

Танлов иштирокчилари ўз мақолаларини "Ёшлар ва ахборот технологиялари" танловига деб кўрсатган ҳолда info@xabar.uz электрон манзилига ёки 236-36-42 рақамига факс орқали жўнатишлари мумкин.

Мақола билан биргаликда куйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми.
Уқиш ёки иш жойи.
Яшаш манзили, телефони, e-mail.

